

**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти**

**Сўзиш ва эшкак эшиш спорт турлари назарияси ва  
услубияти**

**ЭШКАК ЭШИШ СПОРТИДА МУСОБАҚАЛАРНИ  
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТҚАЗИШ.**

(ўкув - услубий қўлланма)



Ташкент 2016

## МУАЛЛИФ:

Исраилова Р.Г.- ЎзДЖТИ Сузиш ва эшкак эшиш спорт турлари назарияси ва услубияти кафедраси катта ўқитувчи.

## Тақризчилар:

Халмухамедов Р.Д. - педагогика фанлари доктори, доцент.

Ганиев Ш.Х. – Ўзбекистон Республикасида Хизмат Кўрсатган мураббий, Ўзбекистон Республикаси академик эшкак эшишдан бош мураббий.

Ўқув қўлланма маҳсуслаштирилган олий ўқув юртлари, жисмоний тарбия факультетлари, болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари, коллеж, лицей ўқувчилари, малака ошириш курслари тингловчилари мулжалланган.

Ўқув қўлланма спорт назарияси соҳасидаги энг янги маълумотлар асосида ишлаб чиқилган сузувчилар спорт тайёргарлигининг асосий бўлимлари берилган.

Сузувчиларнинг бошланғич тайёрлов гуруҳидан тортиб, то олий спорт маҳорати даражасигача кўп йиллик спорт тайёргарлиги жараёнини режаллаштириш, тузиш, ва назорат қилишига алоҳида эътибор қаратилган. Спорт маҳоратини такомиллаштиришнинг восита ва усуллари батафсил кўриб чиқилган.

Ўқув қўлланма, шубҳасиз, жисмоний тарбия, болалар ва ўсмиirlар спортида юқори тютуқлар спорти соҳасида ишлаётган мураббий ва мутахасисларда қизиқмхиш уйғотади.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ

1. Мусобақаларни ташкил қилишнинг умумий масалалари.....
  - 1.1. Мусобақалар таснифи.....
  - 1.2. Мусобақаларни ўтқазувчи ташкилотлар.....
  - 1.3. Мусобақаларнинг ташкилий қумитаси.....
2. Сув йўлига ва масофани жиҳозлашга бўлган спорт-техник талабалар.....
  - 2.1. Стартни жиҳозлаш.....
  - 2.2. Масофани белгилаб чиқиш.....
  - 2.3. Маррани жиҳозлаш.....
  - 2.4. Ахборот.....
  - 2.5. Назорат комиссияси учун жиҳозлар.....
  - 2.6. Ҳакамлик ва ёрдамчи ходимлар учун хоналар.....
  - 2.7. Зарурий алоқа воситалари.....
  - 2.8. Қатнашчилар хавсизлигини таъминлаш.....
  - 2.9. Мусобақа жойларини безатиш.....
  - 2.10. Мусобақаларда хизмат кўрсатиш учун транспорт....
3. Эшкак эшиш бўйича мусобақалар ҳаками.....
  - 3.1. Умумий масалалар.....

3.2.	Ҳакамнинг касбий тайёргарлиги.....
3.3.	Ҳакам ишига таъсир қилувчи омиллар.....
4.	Мусобақаларда ҳакамлик коллегияси.....
4.1.	Ҳакамлик коллегиясини комплектлаш.....
4.2.	Мусобақалар бош ҳаками ишини таҳлил қилиш.....
4.3.	Мусобақалар бош ҳаками иши.....
4.4.	Ҳакамлик коллегияси иши.....
4.5.	Ҳакамлик коллегияси иш тартиби.....
5.	Ҳакамлик услугияти ва амалиёти.....
5.1.	Ҳакамлик старт бригадаси иши.....
5.1.1.	Таркиби ва ташкил қилиниши.....
5.1.2.	Старт бригадаси ҳаракатлари.....
5.1.3.	Старт бригадасининг қайиқлар старт зонасига кириш вақтидан бошлаб икки дақиқалик тайёргарлик эълон қилингунга қадар бўлган ҳаракатлари.....
5.1.4.	Старт бригадасининг икки дақиқалик тайёргарлик эълон қилинган вақтдан бошлаб сўроқ ўтқазиш тугагунча қадар бўлган ҳаракатлари.....
5.2.	Арбитрлар иши.....
5.2.1.	Катта арбитр вазифалари.....
5.2.2.	Арбитрлар ишини ташкил қилиш.....
5.2.3.	Пойга пайтида арбитр ҳаракатлари.....

5.2.4. Тұпланиб қолиши пайтида арбитр ҳаракатлари.....
5.3. Оралиқ масофаларда ҳакамлар иши.....
5.3.1. Таркиби ва ташкил қилиниши.....
5.3.2. Бүлак масофаларда ҳакамлар ҳаракати.....
5.4. Маррадаги ҳакамлык бригадаси иши.....
5.4.1. Маррадаги ҳакамлык бригадаси иши органлари....
5.4.2. Маррадаги ҳакамлык бригадаси таркиби ва вазифалари.....
5.5. Котибият иши.....
5.5.1. Котибиятда вазифаларнинг таҳминий тақсимланиши.....
5.5.2. Котибият иши босқичлари.....
6. Радиоахборот хизмати.....
7. Эшкак эшиш спортидаги маросимлар.....
7.1. Мусобақалар таснифи.....
7.2. Мусобақалар очилиши намойиши.....
7.3. Мусобақалар ёпилиши намойиши.....
7.4. Тақдирлаш маросими.....
7.5. Мусобақалар очилиши ва ёпилиши маросими.....
8. Мусобақа қоидалари бузилишига жарима.....
9. Касбий-педагогик билимларни текшириш.....

Адабиёт рўйхати.....

Изоҳ.....

## КИРИШ

Ўз ўзидан маълум, спорт-аҳамияти фақатгина турли ҳалқлар ҳаётидагина эмас, балки ҳар бир ҳалқ ичидағи турли ижтимоий-демографик гурухлар ҳаётида ҳам турличадир. Ҳар бир шундай гурух ичиде ҳам унга бўлган муносабат бир ҳил эмас. Кимdir унда соғлиқни мустаҳкамлаш воситаси, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга имкон берувчи элементни, кимdir бекорчилик ва хавфли ҳаётий йўлдан оздирадиган нарсалардан, асосан ёшларни чалғитиш, дам олиш. Эмоционал енгиллашиш, кундалик хизмат ва турмуш ташвишларини ўйламаслик воситасини тушунади. Лекин ҳар қандай одам спорт фақатгина инсоннинг жисмоний такомиллашувига, соғлом турмуш тарзига риоя қилишигагина эмас, балки умум башарий инсонпарварлик идеалларини ҳамда қадриятларни ривожлантириш ва амалда қўллаш учун ҳам катта имкониятларни ўз ичига олганлигини кўрмасдан, тушунмасдан ёки ҳис қиласдан ҳам иложи йўқ.

Спорт ривожланишининг у ёки бу турига спорт тадбирларини ўтказувчи ташкилотлар каби ҳакамлар хайъати ҳам анча сезиларли таъсир кўрсатишлари мумкин ва кўрсатмокдалар. Улар мусобақаларга тайёргарлик жараёнида ва уларни ўтқазиш вақтида биринчи ўринга аҳлоқий ва эстетик масалаларни қўйишлари лозим. Спортчилар, мураббийлар спорт раҳбарлари, ҳакамлар ва томошабинларнинг юқори инсонпарварлик йўналишларига риоя қилишларида ва уларни рағбатлантиришда фақатгина мусобақалар билан боғлиқ масала ва муаммолар ҳал қилинмасдан, балки жисмоний тарбия ва спортни таъсирчан тарғибот қилиш ҳам амалга оширилади. Бу жараёнда ҳакамнинг тутган ўрнини ортиқча баҳолашнинг иложи йўқ.

Мусобақалар пайтида спорт муаммолари, ахлоқий ва маънавий муаммолар спортчилар, спортга алоқадор кишилар, ҳакамлар томонидан юзага келади. Лекин улар одатда, факат ҳакамлар томонидан зудлик билан ҳал қилинади. Худди шу пайтда ҳакамлар қарори ҳам касблар, спортчилар, мураббийлар, раҳбарлар ва томошабинлар мулки бўлиб қолади. Уларнинг ҳар бири, шубҳасиз, ўз нуктаи назарига эга. Уларнинг барчаси фақатгина ҳакамнинг малакаси тўғрисида эмас, балки унинг психологик ва ахлоқий сифатлари тўғрисида ҳам дарҳол хулоса чиқарадилар. Шунинг учун ҳакам фақат ўз ишини миридан-сиригача биладиган яхши касб эгаси ва мутахасис бўлибгина қолмасдан, балки яхши дунёқарашга эга тайёргарлик қилиши юзага келувчи барча вазиятларга катта психологик бардошлиликка эга бўлишлари лозим.

Эшкак эшиш бўйича мусобақалар турли даражадаги техника билан қуролланган акваторияларда ўтқазилади, об-ҳаво омиллари таъсирига дучор буладилар мусобақалар давомийлиги каттадир. Жамоаларнинг техник тайёргарлиги фақатгина ракибларнинг психологик тайёргарлиги бир хил бўлмасдан, балки бир экипаж ичидаги спортчилар тайёргарлиги ҳам бир хил бўлмаганидек ҳатто жуда юқори даражали мусобақаларда ҳам бир хил эмас.

Бу барча омиллар ҳакамга ўз таъсирини ўтказиб, у ишлаётган жойга боғлиқ бўлмаган ҳолда юқори даражадаги толиқиш ва узоқ муддатли психологик зўрикишни олдиндан маълум қилиб қўяди. Балки худди шунинг учун деярли ҳар бир йирик мусобақа жараёнида келиб чиқувчи (қоидаларнинг маълум бўлган оддийлиги ва бўлиши мумкин бўлган жанжаллиятларни изоҳлаш

билан боғлиқ мулоҳаза ва тортишувлар учун баҳонага йўл очиб беради).

Сўнги йилларда эшкак эшиш бўйича мусобақалар ўтқазилиши вақтида, биринчи навбатда, Коидалар талабларини бажариш шарт эмас, деб ҳисобловчи спорт мажмуаларининг раҳбарлари ҳаракатлари, шунингдек бундай раҳбарларга кўнгилчан муносабатда бўлган спорт қўмиталари бошқарувчининг штатдаги ходимлари нуқтаи назарлари билан боғлиқ янги салбий вазиятлар келиб чиқади. Терма жамоа аъзолари учун кўнгилдагидай шароитлар яратишга иғтилевчи терма жамоа раҳбарларининг сўнгги йилларида одатий бўлиб қолган нуқтаи назари хукм чиқаришни талаб қилмайди, бу эса, терма жамоалар раҳбарларини қизиқтирувчи муаммоларни ҳал қилиш учун. Фақатгина бутун Россия мусобақаларини эмас, балки баъзан халқаро мусобақаларни ҳам одатдаги машғулотни “хомчўт қилиш” даражасига қўяди. Бундай ҳолларда ҳакамлар Коидалар руҳи ва ҳарфларидан четга чиқиб кетиб, бунда улар бу четга чиқишиларга шак-шубҳасиз йўл қўйиб бўлмайдиган “юкори тартиб”даги мулоҳазаларни важ қилиб кўрсатадилар. Мусобақаларда ҳакамлик коллегияси ва ҳар бир айрим ҳакам сузсиз бажариши лозим фақатгина иккита ҳужжатга эга бўладилар. Бу мусобақалар тўғрисидаги Низом ва Мусобақа Коидалари.

## **1. Мусобақаларни ташкил қилишнинг умумий масалалари.**

### **Мусобақалар таснифи**

Ўзбекистонда ўтқазиладиган мусобақалар Ўзбекистон ичидағи ва халқаро мусобақаларга бўлинади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ичида таснифланувчи мусобақалар қўйидагиларга бўлинади:

- Чемпионатлар, биринчиликлар, кубоклар;
- Зоналар бўйича (республикалараро, шаҳарлар, жамиятларнинг терма жамоалари каби айрим клуб экипажлари қатнашадиган регаталар).

Ўзбекистон ичидағи мусобақалар шахсий, жамоавий ва шахсий-жамоавий бўлиши мумкин.

Шахсий мусобақаларда спортчилар ва экипажлар кемаларнинг ўз классларидағи ўринлар учун ўйнайдилар ва, мос равишда, ҳар бир классда мусобақа қатнашчилари ўртасида биринчиликни аниқлайдилар. Голибларга чемпион ёки ушбу мусобақа ғолиби унвони топширилади.

Жамоавий мусобақаларда, кемаларнинг айрим классларида вакиллари қатнашган ташкилотлар ўринлари аниқланади. Ҳар бир айрим классда бундай мусобақалар чемпионлари ёки ғолибларига ҳеч қандай шахсий унвон берилмайди.

Шахсий-жамоавий мусобақаларда кемаларнинг ҳар бир айрим классидаги қатнашчилар, шунингдек спортчилари мусобақаларда қатгашадиган ташкилотлар ўринлар учун ўйнайдилар.

Ўзбекистон ичидағи мусобақалар Ўзбекистон эшкак эшиш спорти Федерацияси ва жойлардаги

тегишли федерациялар төюнидан ташкил қилинади ва ўтқазилади.

Ўзбекистонда ўтқазиладиган халқаро мусобақалар расмий чкмпионатлар ва халқаро регаталарга бўлинади.

Ўзбекистонда ўтқазиладиган Жаҳон чемпионати ва Олимпия эшкак эшиш регаталари. Халқаро эшкак эшиш жамиатлари федерацияси (ФИСА) Ўзбекистон эшкак эшиш Федерацияси топшириғи билан ташкил қилинади.

Ўзбекистонда ўтқазилувчи халқаро регаталар Ўзбекистон эшкак эшиш спорти Федерацияси ва махаллий эшкак эшиш спорти Федерацияси томонидан ташкил қилинади ва ўтқазилади.

Ўзбекистон ичida ўтқазилувчи барча мусобақалар Ўзбекистон эшкак эшиш спорти Федерацияси томонидан тасдиқланган мусобақа Қоидалари бўйича ўтқазилади.

Халқаро чемпионатлар ФИСА пойга Қоидалари бўйича, регаталар эса, Мусобақаларнинг Россия ички Қоидалари бўйича ФИСА пойга Қоидаларнинг асосий бандаларини ҳисобга олган ҳолда ўтқазилади. Агарда халқаро регаталарни ўтқазиш пайтида Халқаро федерациялар ўртасида тафовуилар чиқса, унда ФИСА пойга Қоидалари бандларига амал қилиш керак.

### **Мусобақаларни ўтқазувчи ташкилотлар**

Ўзбекистон ички мусобақаларини таснифлашга мувофиқ уларни ўтқазувчи ташкилотлар бўлиб, тегишли Федерациялар, шунингдек спорт ташкилотлари, тегишли раҳбар органлари ҳисобланади.

Мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтқазиш билан боғлиқ тайёргарлик ишларини бошлашга хуқуқ берувчи асосий хужжат Низом ҳисобланади. Бу хужжат

мусобақа ўтқазувчи ташкилот ва таалуқли федерация томонидан ишлаб чиқилиши, улар томонидан тасдиқланиши ва барча манфаатдор ташкилотларга шаҳар доирасидаги (ва уларга қиёс) мусобақалар бошланишдан уч ой олдин, Россия ва халқаро мусобақалар бошланишидан олти ой олдин юборилиш лозим.

Низомнинг турли даражадаги мусобақалар учун тузилган асосий бўлимлари рўйхати бир хил ва амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган барча энг муҳим масалаларини ўз ичига олади.

Мусобақалар тўғрисидаги Низом мусобақаларнинг расмий Қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Шунга қарамай Низом билан қоидалар ўртасида тафовут бўлган ҳакамлар коллегияси фақатгина Қоидаларга амал қилиниши лозим.

Агар тасдиқланган Низомга ўзгартишлар киритиш зарурияти туғилиб қолса, уларни фақат Низомни тасдиқлаган ташкилотлар киритиши мумкин. Бунда барча манфаатдор ташкилотлар барча киритилган ўзгартишлар тўғрида мусобақалар бошланишидан олдин 30 кундан кечиктирилмасдан ёзма равища хабардор қилинишлари лозим.

Лекин шундай ҳоллар бўладики, бунда бевосита мусобақалар ўтказилиш жараёнида Низомда акс эттирилган мусобақалар ўтказилиши тартибига ўзгартишлар киритиши талаб қилинади. Агарда ушбу Низомни тасдиқлаган на спорт кўмитаси ходимлари, на фелерация президиуми аъзолари мусобақаларда амалда кворумга эга бўлмасалар, бу ўзгартишларни киритишига ким ҳақли бўлади?

Бу тўғрисида на Қоидаларда, на Низомда қўрсатилган. Қарор амалда мусобақалар бош ҳаками билан Низомни тасдиқлаган ташкилот вакиллари ва

қатнашувчи жамоалар вакиллари ва қатнашувчи жамоалар вакиллари ва қатнашувчи жамоалар вакиллари билан биргаликда қабул қилинади.

Қатнашчилар сони нормативларини, ҳакамлар коллегияси ва хизмат кўрсатувчи техник ходимларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган Низом зарур харажатлар сметасини тузишда ва мусобақаларга тайёргарлик бўйича иш бошлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Мусобақаларни ташкил қилиш қўмитаси.

Ташкилий қўмита мусобақаларни ўтказиш, шунингдек қатнашчилар ва томошабинлар учун энг юқори даражадаги қулийликларни таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишга ундалган вақтингчалик орган ҳисобланади.

Унинг таркиби мусобақа ўтказувчи федерация вакиллари бош ҳакам ва унинг тиббий қисм бўйича ўринбосари, мусобақа ўтадиган спорт мажмуасининг раҳбари киради. Айрим муайян масалаларни ҳал қилиш учун ташкилий қўмита таркибига савдо, коммунал, транспорт ташкилотлари, маданият муасассалари ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари ишига жавоб берувчи маҳаллий Кенгаш бўлинмалари бошликлари кириш мумкин. Ташкилий қўмита томонидан ҳал қилиниш лозим бўлган асосий масалалар:

- Мусобақа қатнашчиларини, шу жумладан, ҳакамлар, ҳизмат кўрсатувчи ходимларни қабул қилиш, жойлаштириш, овқатлантириш ва ташиш;
- Яшаш, машғулот ва мусобақа жойларида хавсизликни таъминлаш;
- Спорт иншоатларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

- Мусобақалар даврида машғулот ва мусобақа пайтидаги каби қатнашчилар жойлашган жойларда ҳам тиббий хизматни ташкил қилиш;
- Маҳаллий матбуотда, телевидение ва радио орқали тарғиботни ташкил қилиш;
- Афишалар, плакатлар, дастурлар, таклиф чипталари ва ҳоказоларни чиқариш;
- Мусобақаларнинг очилиши ва ёпилишидаги ва голибларни тақдирлашдаги тантанали маросимларни таъминлаш;
- Мусобақа қатнашчиларни қайтиш чипталари билан таъминлаш ва уларни жўнатишни ташкил қилиш;
- Томошабинлар учун энг юқори қулай шароитлар яратиш, уларни озик-овқат, ичимликлар, эсдалик совғаларни ва ҳоказолар билан таъминлаш.

Ўз-ўзидан маълумки, тадбирларнинг бу рўйхати тугал эмас. Сўнги йиллар амалиётининг кўрсатишича ташкилий қўмиталарнинг мавжудлигига қарамасдан уларнинг фаолияти талаб даражасида эмас. Ундан ташқари, ташкилий қўмиталарнинг қўп қисми фақатгина “қоғозда” мавжуд, ва барча санаб ўтилган ва ташкилий қўмита ихтиёридаги бошқа бир қатор тадбирларни спорт қўмитасининг штатдаги ходимлари, бош ҳакам ва федерация фаолларининг ҳал қилишларига тўғри келади.

## **2. Сув йўлига ва масофани жиҳозлашга бўлган спорт-техник талаблар.**

Эшкак эшиш каналлари эшкак эшиш спортининг барча турлари (академик эшкак эшиш, ҳалқ эшкаги, байдарка ва каноэда эшкак эшиш ) бўйича мусобақалар ўтқазишни ҳисобга олган ҳолда қурилади ва жиҳозланади, бу ердан канал йўлининг энг юкори узунлиги ва эни олинади. Ушбу ҳолатда классик масофанинг бурилишсиз энг катта узунлиги 2000 м.ни ташкил қилиб, унга масофа чегараларидан ташқарида 150-200 м.ли эрkin сув қўшилиши керак. Сув йўли кенглиги ақадемик эшкак эшиш талабларидан келиб чиқиб ҳисобланади, бунда йўлка кенглииги ҳар бир қайиқ учун 12,5 метрдан кам бўлмаслиги лозим, йўлкаларнинг (сув) ўзидан эса, 6-8 та талаб қилинади. Ундан ташқари, ҳар бир томонда (қирғоқ олдида) 5 метрдан кам бўлмаган эрkin сув бўлиши лозим. Барча йўлкаларда бир хил, яъни туби текис сув ҳавзаларида 2 метр ва туби нотекис сув ҳавзаларида 3 метрдан кам бўлмаган чуқурлик бўлишни назарда тутиш зарур.

### **2.1. Стартни жиҳозлаш**

Ақадемик эшкак эшиш бўйича мусобақалар учун старт минораси масофа ўқи бўйича старт чизифи сув устидан баландлиги 3 метрдан кам, лекин 6 метрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Минора устида катта соат, тош тахта, микрофон (товуш кучайтиргич) алоқа воситалари, қўнғироқ бўлиши лозим. Старт хонасида причал соли, ҳар бир йўлка ўқи бўйлаб жойлашган ва 1000 мктр масофадан кўринадиган қўшалок визир, старт чизифи устида створ, заҳирадаги эшкаклар ва майда маъмиглаш ишлари, телекамералар ва видеомагнитофон учун жойлар, алоқа воситалари, кирғоқда катнашчилар старт

олидан масофа узунлиги түғрисидаги белги, старт зонаси чегаралари белгиси бўлиши лозим.

## **2.2. Масофани белгилаб чиқиш**

Барча йўлкалар (сув) узунлиги бўйича мутлақо тўғри ва эни бўйича бар хил бўлиши лўзим. Диаметри 15 см.дан ортиқ бўлган бўйлар ёки пўкаклар ҳар 10-12 метрдан қўйилади. Улар урилганда эшкак ва қайиқقا зарар етмаслиги учун етарлича эгилувчан материалдан қилинади. Белги ранги тўқ сариқ бўлгани маъқул. Ҳар бир 500 метрдан йўлка маркази бўйича кўндалангина икки томонлама ҳавода тортиб рақами бўлган белги ўрнатилади. Ҳаводаги белги бутун масофа бўйлаб, ҳар бир йўлканинг тартиб рақамини кўрсатади. Сув устидаги илмоқнинг баландлиги – 3 – 3,5 метр.

Иккала қирғоқ ёки масофа чегарасидан ташқарида ҳар 250 метрда мэррагача бўлган масофани кўрсатувчи тахталар ўрнатилади.

Масофа оралиқларида қатнашчилар натижаларини аниқлаш учун хона (будка) аппаратурга билан жиҳозланади. Одатда, бундай будкалар 500 метрдан кейин қўйилади. Улар створлар ва старт ва мэррани алоқа билан жиҳозланади.

Масофани охири “Марра” ёзуви ва масофа чегарасидан ташқарида марра створидаги икки қизил байроқ билан белгиланади.

## **2.3. Мэррани жиҳозлаш**

Мэррага фақатгина марра чизиги эмас, балки ҳакамлар марра бригадаси ва ҳизмат кўрсатувчи ходимлар ишлайдиган жой ҳам киради. Бу маҳсус жиҳозланган жойни “марра минораси” деб аталади. У денгиз сатҳидан анча юқори жойлашгани учун минора

деб аталади. Бу ҳакамларнинг маррага қайиқлар келиши тартибини аниқлаш бўйича ишини енгиллаштиради. Марра створ, ишлаш учун қулай товуш сигнали, ҳакамлар учун иш жойларининг жойлашиши, алоқа воситалари билан жихозланган. Маррада фотомарра, автохронретраж, метеохизмат кўрсатиш кўзда тутилади.

#### **2.4. Ахборот**

Томошабинлар, қатнашчилар, мураббийлар, вакиллар, ҳакамларга ахборот бериш бўйича жиҳозлар ахборотга талабгор одамлар бўлган трибуна ва барча биноларга радиоахборот беришни кўзда тутилади; трибуналардан яхши кўринувчи электр табло. Крилатскийдаги эшкак эшиш каналидаги табло бир вақтнинг ўзида сана, ҳаво ва сув ҳаракати, шамолнинг кучи ва йўналиши, масофадаги жамоалларининг “югурувчи” вақтини (вақт қайиқ юриши билан бирга ҳаракат қиласи) кўрсата олади. Бундан ташкири бу таблога экапажлар таркиби, масофадаги қайиқлар ҳолати, хulosавий натижалар ва ҳоказоларни чиқариш мумкин. Ахборот воситаларига экранлар ҳам кириб, агар улар бўлса, одатда, уларни трибуналар олдига ёки томошабинлар трибунасига, қатнашчилар ва ҳакамлар хоналарига ўрнатилиди.

#### **2.5. Назорат комиссияси учун жиҳозлар**

Назорат комиссияси иложи борича мусобақа қатнашчиларига яқинроқ жойлаштирилади. Одатда унинг жойи эллинглар районида. Назорат комиссияси эшкак эшувчилар, рул бошқарувчилар ва қайиқларининг оғирлигини ўлчаш учун ёмғир ва шамолдан ҳимояланган хонага, мос равишда жихозланган тарози, етарлича флюгаркаларга, эшкаклар куракларига ва қайиқ бурнидаги шарчаларга эга бўлишлари лозим.

Агар фотоназорат ўтказиладиган бўлса, унинг учун жой жиҳозлаш зарур. Назорат комиссияси хонасида заҳирадаги эшқаклар учун пештахталар, алоқа воситалари, транспорт бўлиши зарур.

## **2.6. Ҳакамлар ва ёрдамчи ходимлар учун жойлар.**

1. Мажлислар зали. У қура ташлаш учун жиҳозланган бўлиши ва шунингдек масофанинг магнит чизмасига эга бўлиши лозим.
2. Котибият учун алоқа билан жиҳозланган хона.
3. Ҳакамлик ҳужжатларини қўпайтириш учун хона (қўпайтириш техникаси учун).
4. Мукофатлаш грухи учун хона.
5. Бош ҳакам учун алоқа воситалари билан жиҳозланган иш хогаси.

## **2.7. Зарурий алоқа воситалари**

Йирик мусобақаларда фойдаланиладиган алоқа киради. Уччала бош ҳаками барча алоқа турларига эга, чунки у барча ҳакамлик хизматлари, ёрдамчи ходимлар, мусобақа ўтқазувчи ташкилотнинг канал маъмурияти билан алоқада бўлади.

Старт бригадаси бош ҳакам, марра, назорат комиссияси, кутқарув ва тиббий хизматлар билан алоқада бўлишлари лозим. Бундан ташқари, стартёр стартдаги ҳакам билан, тўғриловчи-тутиб турувчилар билан алоқада бўлишлари лозим (тинч алоқа)да.

Оралиқ масофалардаги ҳакамлар, одатда, старт ва марра билан селектор алоқа орқали боғланган.

Марра бригадаси мусобақаларнинг бош ҳаками, котибият, старт ва оралиқ масофалардаги ҳакамлар,

назорат комиссияси ва ахборотчилар билан алоқада бўлиши лозим.

Котибият мусобақалар бош ҳаками, марра , назорат комиссияси, ахборот хизмати, мукофотлаш гуруҳи билан боғланган.

Назорат комиссияси мусобақалар бош ҳаками, котибият, старт, марра, ахборот хизмати, тиббий хизмат, допинг-назорат хизмати билан алоқада болиши лозим.

Мукофотлаш гуруҳи марра, котибият, ахборотчи билан алоқага эга.

## **2.8. Қатнашчилар хавсизлигини таъминлаш.**

Хавсизлик чоралари мусобақаларни ўтқазувчи ташкилот ва бош ҳакам томонидан фақатгина мусобақа соатларидағина эмас, балки ажратилған машғулот пайтида ҳам таъминланади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Кўринлари жойда (одатда, эллинглар районида) қайиқларининг машғулот ва мусобақа пайтида акваториядаги ҳаракатлари плани (чизмаси) осиб қўйилади.
2. Мусобақалар учун кундалик соатлар белгиланади. Бу жадвал жамоалар вакиллари учун хотирономага киритилади.
3. Машғулотларни катерлардан мураббийлар ҳамроҳлигига ўтказиш, шунингдек қайиқларининг тумшуғига шарчаларсиз чиқиш қатъиян ман этилади.
4. Машғулот, шунингдек мусобақа соатларида катерлар навбатчилиги белгиланади.
5. Стартга кўтарилиш ва масофа бўйлаб юриш учун белгилар, кўрсаткичлар осилади, ёки қўйиб чиқилади. Шунингдек, айланма канал

- бўлган ҳолларда ҳам у ерда ҳаракат тартиби белгиланади.
6. Қайиқларнинг келиши ва кетиши учун аҳолида причал соллари белгиланади, у ерда керакли белгилар кўйилади.
  7. Агар очиқ сув ҳавзаси (кўлЮ дарё) бўлса, унда дарё милицияси навбатчилиги назарда тутилади.
  8. Канал бўйлаб асфальт йўлкаси бўлган ҳолларда мураббийларнинг велосипедда ҳаракати тартиби ўрнатилади.

Фақат қутқарув хизмати ва тиббиёт ходимлари бўлган тақдирдагина мусобақалар ўтказишга руҳсат этилади.

## **2.9. Мусобақа жойларини безатиш**

Мусобақаларни ўтказиш жойларини яхши ўйлаб безатиш уларга тантанаворлик, хушчақчақлик олиб келади, томошабинларнинг кайфияти кўтарилади, қатнашчиларнинг жавобгарлиги ортади.

Мусобақа жойларини безатиш қўйидагиларни кўзда тутади:

1. Ўтказилажак мусобақаларнинг кўлами ва вазифаларига мос равишда шиор ва транспортлар.
2. Қатнашувчи ташкилотлар байроқлари.
3. Ранг-баранг сигнал байроқлари.
4. Байроқлар учун мачталар.
5. Масофа плани.
6. Объектлар кўрсатилган ҳолда майдон плани.
7. Мусобақа ташкилотчилар томонидан пухта ўйлаб чиқилган ва тайланган мусобақаларни матн ва мусиқали безатиш, афишалар,

буклетлар, дастур ва эсдалик совғаларни тайёрлаш.

## **2.10. Мусобақаларга хизмат кўрсатиш учун транспорт.**

Мусобақа кўлами, уларнig ўтқазилиш жойи, қатнашчилар сонига боғлиқ равишда ерда ва сувда юрувчи транспорт мўлжалланади.

Ҳакамлар коллегиясиҳтиёрида ҳакамлар, тутиб турувчилик, хизматчи ходимларни стартга ва масофанинг бошқа жойларига етказиб қўйиш, захирадаги эшкакларни олиб бориш, қирғоқ бўйлаб кузатиш учун мукроавтобуслар бўлиши лозим. Бош ҳакам ихтиёрида енгил машина ва катер ажратилади. Бош ҳакам ўринбосари ихтиёрида товуш кучайтиргич билан жиҳозланган, қунғироқ ва байроқлар билан таъминланган арбирт катерлари бўлиши лозим. Масофа бошлиғи ихтиёрида ишчи катерлар бўлади.

Бундан ташқари, мусобақаларда тиббий транспорт қатнашиши лозим.

## **3. Эшкак эшиш бўйича мусобақалар ҳаками .**

### **3.1. Умумий масалалар.**

Рус тилида “судья” (ҳакам)қўйидаги изоҳга эга: бу- “хукм чиқарадиган, яъни бирор нарса тўғрисида” мулоҳазага жга одам. Бунда ҳакамга хос кўпгина вазифалар орасида В.И.Даль ўзининг “Тирик улуғ рус тилининг изоҳли луғати”да ҳакам қилиши лозим бўлган нарсаларга алоҳида эътибор беради: англаш, фикрлаш ва натижа чиқариш, текшириш, тушуниш ва хулоса қилиш; берилган маълумотлардан энг охирги оқибатларигача бориш”

Спорт ҳакамига бир қатор талаблар қўйилади, биринчилар қаторида ташқи кўринишда тўхталамиз-

шак-шубҳасиз, спортчилар, вакиллар, мураббийлар ва томошибинлар ҳаммадан олдин ҳакам тўғрисидаги биринчи таассуротни унинг ташқи кўринишидан келиб чиққан ҳолда оладилар.

Ҳар қандай қўламли ҳар қандай мусобақада ҳакамлар коллегияси ягона формада бўлиши лозим. Ватанимиз амалиёти билан ФИСА амалиёти бу масалада бир жойдан чиқади: ҳаммадан олдин ҳакам формасининг ранг уйғунлиги-тўқ ҳаво ранг костюм, ҳаворанг кўйлак (блузка), кулранг шим (юбка)ва галстук (эркак ҳакамлар учун) тавсия қилинади. ФИФАда ҳаворанг диагональ сариқ чизиклари бўлган галстук қабул қилинган бўлиб, улар турлича кенглигига бўлиши мумкин. Эшкак эшиш бўйича ҳакамнинг байроқ формасига бош кийим ва сув ўтказмайдиган ва шамолдан ҳимояланган форма киритиш зарур. Иссиқ об-ҳаво шароитларда ўтувчи ички мксобақаларда форма тўғрисидаги масала кўпинча бош ҳакам томонидан ҳал қилинади. Ҳакамлар жазира маорифий офтобда тўқ ҳаворанг костюмларда ишларида ҳеч қандай мантиқ йўқ. Шубҳасиз, енги-калта галстуксиз ҳаворанг кўйлак ҳакамнинг ташқи кўринишига ёмон таъсир қилмайди. Бундай амалиёт ФИСА томонидан ҳам расмийлаштирилган.

Ҳакамларда маҳсус белгилар бор, лекин уларни тез-тез фақатгина халқаро тоифадаги ҳакамларда кўриш мумкин.

### **3.2.Ҳакамнинг касбий тайёргарлиги.**

Ҳакам қандай жойда ишламасин, қандай вазифаларни бажармасин, уларни касбий аниқ бажариш учун у эшкак эшиш спорти билан боғлиқ барча масалалар тўғрисида аниқ таасуротга эга бўлиши лозим. Бунда фақатгина муайян мусобақалар тўғрисидаги

Қоида ва Низомларнигина эмас бу ўз-ўзидан маълум, - балки, ҳаммадан олдин спортнинг ўзини, машғулот жараёнининг моҳиятини, эшкак эшиш техникасини, кемасозликни, пойга масофалари ва базаларни жиҳозлашдаги, спортчилар ва уларнинг психологиясини шайлаш экипировка ҳамда таъминлашни, аъло даражада билиш ҳам кўзда тутилади.

Ҳакамнинг касбий тайёргарлиги тушунчасига одоб-ахлоқ талаблари ҳам киритилади. Улар ҳаммага маъқул бўлган чегарадан чиқиб кетмайди, лекин уларда қисқача тўхталиб ўтиш керак.

Шахсий ёқтириш ва ёқтирмасликка қарамасдан мусобақаларда ҳакамлар орасидаги муносабатлар бир маромда, иззат-хурматда ва ҳатто хайриҳоҳликда бўлиши лозим. Кўпол ҳақоратловчи сўзлар, қаттиқ товуш, тўраларга хос оҳангга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Спортчиларга нисбатан эса, асло йўл қўйиб бўлмайди. Мусобақаларда қатнашувчи ҳар қандай одамга нисбатан ҳакамнинг қандайдир устунлик тўғрисида ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Ҳақамлар коллегиясининг ахлоқий иқлими каби спорт ҳакамининг маънавий қиёфаси-мусобақаларнинг муваффақиятли гарови.

Ҳакам учун салаб олиш йўқ. Унинг учун мусобақаларнинг барча қатнашчилари teng. Таникли спортчиларга ҳам, ўртоқ ҳакамларга ҳам, ўртоқ мураббийларга ҳам қандай бўлмасин ён босишга йўл қуийиб бўлмайди. Қоидаларга, мусобақа тўғрисидаги низомларга ва уларни аниқлаб берувчи бошқа ҳужжатларга қарши бўлган талаб ёки илтимосларга нисбатан кўнгилчанликка ҳам йўл қуийиб бўлмайди.

Ҳакам ўз қарорларида қаттиқ туриши, мусобақа Қоидаларига катъий риоя қилиши, ҳохлаган нарсасига ноинсофлик ёки нотүгри йўл билан ҳар қандай уринишга, бу уринишни ким қилишидан қатъий назар, мутлақо муросасиз бўлиши лозим.

Ҳар бир ҳакам фаолияти қандай участкада ўзига хосдир. Мусобақалар вактида стартчи, арбитр, маррачи вазифаларини бажарганда, у якка. Одатда, унинг маслаҳат қилиш ва қарор қабул қилишга вакти жуда кам. Ҳакамнинг обрўси жуда муҳим сифат бўлиб, шунинг ўзи унинг ишини енгиллаштиради ва шундай вазият яратадики, бунда қатнашчилар қоидани қасддан бузишларига имкон бермайди ва нотуғри ҳаракатлардан ўзларини тийиб туришга мажбур қиласди.

Агар мусобақа қатнашчилари ҳакам тутган вазият қатъийлигини кўрсалар, ундагина улар ҳакамнинг қарорини қабул қиласдилар ва бажарадилар. Бунинг учун ҳакам қабул қилган қарорнинг ушбу вазиятда бирдан-бир тўғри қарор эканлигига ишончнинг ўзи етарли эмас, балки бу ишончли мос равиша ифодалаш керак. Талабни аниқ ифодалаш, осойишта тасдик, кескин имо-ишора, тинч овозда таҳдидли ва ҳакоратли охангдан холи бўлган буйруқ, ниҳоят, камчапликмана булар ҳакамнинг юқори касбий тайёргарлиги ҳақида айтишга имкон берувчи таркибий қисмлардир.

### **3.2. Ҳакам ишига таъсир қилувчи омиллар**

Ҳатто жуда тажрибали ҳакам ҳам хатолардан эҳтиёт қилинмайди. Уларнинг сабаблари турли туман. Кўпчилик тўғрисида-олдинда сўзланади. Бу ерда эса, бутун ҳакамлар коллегияси фаолиятига таъсир қиласдиган, лекин старт бригадалар, арбитрлар ва

маррачилар ишига күчлироқ таъсир қиласынанлари тұғрисида гапириш мақсада мувофиқ бўлади.

Хатоларнинг асосий сабаблари психология билан шаккланиб, уларнинг кўпчилигига, афсуски, на ҳакамлар, на мусобақа ташкилотчилари ахамият берадилар. Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Ижтимоий руҳдаги омиллар.

Мусобақага етиб келиш учун катта қийинчиликлар билан чипта олган ҳакам мусобақалар бошланмасдан сал олдин, бўлмаса ундан ҳам кечроқ етиб келади. Ноқулай жойлашиш, овқатланиш ташкил қилинмаган, меҳмонхонадан мусобақа жойига олиб борилмайди. Ҳакамлар бош коллегияси билан муносабатлар бўлмайди. Доимо қайтиб кетишга чипта олиш ва вокзал ёки аэропортга қандай етиб олиш ташвишлантиради.

Мусобақалар жадвали шундай тузилганки, бунда бошланиши эрта тонга ва тугаши эса, жуда кеч бўлади. Дастаннинг эрталабки ва кечки қисмлари орасидаги танаффус шунчалик камки, бунда на овқатланиш, на дам олишга вақт бўлади. Кўпинча оддий қулайликлар ҳам бўлмайди.

Ташкилий тавсифдаги омиллар.

Старт яхши жиҳозланмаган. Мегафон ёки микрофон алоқалари тўхтаб-тўхтаб ишлайди. Старт кўринмалари тез-тез ишдан чиқиб туради. Марра билан алоқа ноаниқ ёки бир томонлама. Тутиб турувчиликлар вақтида келмайди, уларнинг малакаси паст.

Арбиртлар етарли эмас. Катерлар мусобақаларга яхши тайёрлаб қўйилмаган. Моторчиларнинг тажрибаси йўқ. Масофа яхши жиҳозланмаган. Қотибият қофоз билан керакли миқдорда таъминланмаган.

## **Кўпайтириш техникаси йўқ.**

Яна бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин.

Шунга қарамай ишлаш керак. Бундай вазиятларда ҳатто ҳам жуда тез эмоционал кескинликни хис қила бошлаб, у ортиб боради ва турғун тавсифга эга бўлади. Ўз навбатида эмоционал, психологик кескинлик мускул таранглиги, толиқишига имкон бераб, буларнинг ҳаммаси жамлиқда ҳакамнинг аниқ қарор қабул қилиш қобилиятига таъсир этади, унинг дикқатини кескин тушириб юборади.

Энди хато қилишга бир қадамлигина қолди.

Албатта, тажрибали ҳакам ҳакамлик ишида фақатгина катта стажга эга бўлиб қолмасдан, балки тез-тез ҳакамлик қилиб турган бўлса, шундай вазиятлардан енгил чиқиб кетади. Лекин, юқорида келтирилган омилларини истисни қилиб, буларни мўлжал қиласидиган бўлсак, бу ақлга сифмайди.

Буларни тушунган ҳолда мусобақа ташкилотчилари ҳакамлар бутун дикқатини фақат ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи зарур шароитларни яратиш учун жуда катта куч сарфлашлари лозим.

### **4. Мусобақаларда ҳакамлик коллегияси.**

#### **4.1. Ҳакамлик коллегиясини комплектлаш.**

Ҳар қандай мусобақани ўтқазиш учун ҳакамлар коллегияси тузилади. Унинг таркиби, маҳаллий ва бошқа шаҳарлардаги ҳакамлар сони мусобақаларни ўтқазувчи ташкилот ва таалуқли эшкак эшиш спорти федерацияси томонидан тасдиқланади. Ҳакамлар коллегиясининг сон таркиби мусобақалар даражаси ва

қатнашчилар сонига боғлиқ белгиланади, ҳамда мусобақа қоидаларининг 13§ III бўлимга киритилган рўйхат билан аниқланади. Ҳакамлар коллегиясини ишини жамоатчи ҳакамлар таъминлашини ҳисобга олиб, фақатгина барча тайинланган ҳакамларга хабарларни етказиш эмас, балки турли сабабларга кўра ҳакамликда қатнашиш имкониятига эга бўлганларни алмаштириш мумкин бўлган ҳакамларни ўз вақтида заҳирдан чиқариш имкониятига эга бўлиши учун ҳам уни комплектлаш олдиндан ўтқазилиши керак. Шаклланган амалиётга асосан мусобақалар бош ҳаками коллегиясининг шахсий таркиби ҳакамлар қоллегияси президиуми томонидан таклиф қилинади ва Ўзбекистон эшкак эшиш спорти Федерацияси президиуми томонидан тасдиқланади.

#### **4.2. Мусобақалар бош ҳакамининг ташкилий иши (1 - чизма)**

Мусобақалар бош ҳакамига тайёргарлик даврида, яъни мусобақалар бошлангунча қадар катта оғирлик тушади. Ҳакамлар коллегияси ишини ташкил қилишга киришишдан олдин бош ҳакам ушбу мусобақалар тўғрисидаги низом билан танишиши барча масалаларни мусобақа ўтказаётган ташкилот билан, мусобақаларни бевосита ўтқазиш топширилган ташкилот билан, мусобақа ўтказиладиган спорт иншоати маъмурияти билан, худудида спорт иншоати жойлашган туман (шаҳар) ижроя кўмитаси хизмати билан, шу жумладан, аниқроғи, жамоат тартибини сақлаш хизмати билан мусобақа ўтказишга таалуқли барча масалаларни батафсил ва пухта ишлаб чиқиш тавсия қилинади. Зарурият туғилганда бош ҳакам оталик қилувчи ташкилотлар томонидан мусобақа доирасида ўтқазилиши кўзланган тадбирлари билан танишиши лозим бўлиб, уларнинг ўтқазилиши мусобақа тартиби ва

жадвали билан мосланади. У ҳакамлар коллегиясининг барча ишлари режасини тузади, мусобақа ўтказувчи ташкилотга ҳакамлар ва ёрдамчи таркибининг аниқ ишлиши учун мусобақа ўтказаётган ташкилотга барча зарур нарсаларни буюради, мусобақа ўтказилиш жойи, жихозлар, аппаратура ва инвентарлар шайлигини текширади, ҳакамлар билан семинар-кўрсатмалар ўтказади, уларни иш жойлари бўйича тақсимлайди, функционал вазифаларни аниқлади. Мусобақа даврида, барча ҳакамлик ва ёрдамчи хизматлар бош ҳакамга бўйсунади, шунинг учун мусобақалар бошлангунча қадар барча ташкилий масалалар ва биргаликдаги ишлар ҳал қилинади. Хусусан, бош ҳакам ва унинг ўринбосари эшкак эшиш канали маъмурияти билан биргаликда спорт иншоотини қабул қилишни амалга оширади, мусобақага тайёргарлиги ва уни ўтказиш даврида бошқарувчининг ташкилий функционал тузилмаси, бўйсуниш ва ўзароалмашинув, таъминот тизимини ишлаб чиқади. Эшкак эшиш спортини тарғиб қилишга ва мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш тантаналарининг томоша кўрсатиш томонларига, ғолибларни тақдирлаш маросимига алоҳида эътибор каратилади.

Ҳакамлик бригадалари учун хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган йўрикномалар ишлаб чиқилиб, улар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Бевосита бўйсуниш. Ўз ишида нимага амал қиласи, қанлай хизматлар билан боғлиқ?
2. Шахсий вазифалари.
3. Мусобақа бошлангунча қадар бўлган ҳаракатлар.
4. Мусобақа пайтида ҳаракатлар.
5. Мусобақа дастури тугашидаги ҳаракатлар.
6. Айрим ҳоллардаги ҳаракатлар.

7. Бўйсунувчи шахслар таркиби. Уларнинг вазифалари.

8. Моддий – техника таъминоти.

Сўроқнома фақатгина меъёрий шароитлардаги эмас, балки аппаратура, техника, транспорт ёки бригада аъзоларидан бирортасининг ишга яроқсиз бўлиб қолгандаги ҳаракатлар ва ўзаро ҳаракатларни кўзда тутади. Бош ҳакам мусобақалардан олдин семинар – кўрсатма ўтказиб, бунда ушбу мусобақа коллегияси таркибига киритилган барча ҳакамларнинг қатнашиши шарт. Семинарнинг давом этиш вақти ва дастури мусобақа вазифалари ва кўлами билан аниқланади.

Амалиётда ҳакамлик бўйича кўрсатма икки бўлим бўйича бўлинади:

1. Мусобақанинг ташкилий масалалари билан танишиш ва уни ўтказиш тартиби, бу:

- Ушбу мусобақа пайтида сувда ўрнатилган тартиб ва спорт кемалари, ҳакамлик катерларининг умумий ҳаракат қоидаларига қатъий амал қилиш зарурияти.

- Ушбу мусобақа Низомнинг хусусиятлари айrim бандларини тушунтириш ва аниқлаш.

- Мусобақалар ўтказиш жойи ва унинг хусусиятлари.

- Алоқа воситалари билан танишиш ва улардан фойдаланиш тартиби.

- Пардалар ва мукофатлаш маросимини ўтказиш.

- Ҳакамларга талаблар.

- Ҳакамлар коллегияси мажлисларни ўтказиш тартиби.

- Ҳар бир ҳакамлик бригадаси иши бўйича кўрсатмалар; ҳакамликнинг айrim қатнашчилари ишларини мувофиқлаштириш.

- Ҳакамлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш.

2. Ҳакамларнинг иш жойлар (старт, арбитраж, марра ва ш.к.) бўйича йўрикнома.

Машғулотлар хажмига қўйидагилар киради:

• Ҳакамликнинг берилган участкасига тааллуқли мусобақаларнинг айрим (асосий) қоидаларини тақрорлаш.

• Ҳар бир ҳакамнинг функционал вазифалари тўғрисида йўрикномани ишлаб чиқиши.

• Сигнализация ва алоқа қабул қилишини яхши урганиш.

• Мусобақаларда бўлиши мумкин бўлган вазиятлар макетда кўриб чиқиши.

Семинар-кўрсатма ўтказиладиган сўнг бош ҳакам барча бошқарувни иш ва хизмат жойлари учун маъсул бўлган ўз уринбосарлари ва ҳакамлар орқали амалга оширади.

Фақатгина ҳакамлар эмас, балки табло ва қўпайтириш техникаси ҳам кирган ҳолда бутун хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам қатнашган шайлика тайёргарлик ўтказиш жуда мақсадга мувофиқ бўлади. Бош ҳакамнинг қатнашувчи ташкилотлар расмий вакиллари билан иши мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишида жиддий ва маъсул бўлим ҳисобланади.

Улар билан мусобақалар доирасида амалий алоқа ўрнатиш кўп жиҳатдан уларнинг яхши ўтказилишига имкон беради, чунки вакил ҳакамлар коллегияси билан спортчиларни боғлабтурувчи ҳалқа ҳисобланади. У қўйидагиларга маъсулдир:

• Ўз ташкилоти қатнашчилари тартиб интизоми, шу жумладан яшаш, овқатланиш жойлари, транспортдаги тартиб-интизом;

• Қатнашчиларнинг мусобақа қоидаларини билиши;

• Ҳакамлар коллегиясининг барча қарорлари ҳақида қатнашчиларга ўз вақтидаги ахборот;

• Қатнашчиларнинг парадлар, допинг – назоратга, ҳакамлар коллегиясига чақириққа мувофиқ ва ш.к. га бориш бўйича ўз вақтида келиш;

Ҳакамлар коллегияси таркибида мусобақалар ўтқазиши ташкил қилишда бош ҳакам ўринбосари, бош қотиб, масофа бошлиғи, мусобақалар коменданти.

Улардан ҳар бирининг ўзи иши ва вазифалари бор, лекин уларнингхаммаси умумий режа ва мусобақалар бош ҳаками раҳбарлигидаги ишлайдилар.

Мусобақалар ўтказиладиган спорт мажмуаси худдудида моддий-таъминоти бўйича бош ҳакам ўринбосари (2 - чизма) га қўйидагилар зарур:

• Смета мавжудлигини текшириш ва мажмуа маъмурияти сметани ижро учун қабул қилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

• Яшаш жойлари, қайиқларни транспортда ташиш воситалари, спортчилар учун ечиши хоналари, тиббий пункт, қатнашчилар ва томошабинлар учун семинар-техник воситаларининг қўйилган талабларга мос келишни кўздан кечириш, аниқлаш ва белгилаш.

• Парадлар, голибларни мукофатлаш тантаналарини ўтказиш учун мўлжалланган жойларни аниқлаш, зарурият туғилганда эса, уларни жиҳозлашни талаб қилиш.

• Ҳакамлар коллегияси, котибият, мукофатлаш ва допинг-назорат гурухлари учун ажратилган жойларни кўздан кечириш.

• Қайиқлар, руль бошқарувчиларнинг оғирлигини ўлчаш, флюгарка, қўйма резина шарчаларни бериш, жойларини, шунингдек инвентарларни енгил таъмирлаш устахонаси турган жойни аниқлаш ва уларнинг жиҳозланишни текшириш.

- Захирадаги эшқаклар туралынан жой ва уларни стартта олиб бориш ва олиб кетишни аниклаш.
- Спорт иншоотларида масофанинг барча белгилар кўрсатилган йирик масштабли чизмаси ва машғулотлар ва мусобақаларда кемалар ҳаракаим чизмалари мавжудлигини текшириш.
- Арбитрлар учун мўлжалланган катерларни кўздан кечириш, уларнинг шайлиги ва барча зарур нарсалар билан таъминланганлигига ишонч ҳосил қилиш.
- Келтириб берилган катерлар сонини аниклаш, катер хўжалигига маъсул спорт иншооти ходимини ўз қарамоғига олиш. Унга мусобақалар тартиби ва иш режасини етказиши.
- Сувда хавсизликни таъминлаш билан танишиш ва унинг раҳбарига иш режаси ва тобеликни етказиши.
- Масофа, старт, масофа йўлаклари, марра жиҳозлари билан танишиши.
- Спорт иншооти раҳбари билан биргаликда маъмуриятдан ким мусобака даврида барча хихмат қилувчи ходимлар фаолиятига раҳбарлик қилиши ва мослаштиришни аниклаш ва уларни бош ҳакамга бўйсундириш. Бу шахс доимо бош ҳакам ёнида бўлиб, у орқали бош ҳакам хизмат кўрсатувчи ходимларга бутун раҳбарлиқни амалга оширади.
- Тартиб саклаш ва спорт иншооти объектларини кўриқлаш топширилган жамоат тартиби хизмати раҳбари билан алоқа ўрнатиш, мусобақалар даврида хизмат бошлиғи бош ҳакамга бўйсунади.

### **4.3.     Бош ҳакамлар коллегияси иши.**

Одатда, ҳакамлар коллегияси мусобақалар арафасида йигилади. Йирик мусобақаларнинг бош

ҳаками ва бош котиби мусобақа ўтказилиш жойига бир кун олдин етиб келади. Худди шу пайтда бош ҳакам ўринбосарлари ҳам етиб келса, бундай тартибни кўнгилдагидай деб ҳисоблаш мумкин. Шунда бош ҳакам бош ҳакамлар коллегияси мажлисини ўтказиш имкониятига эга бўлиб, унда:

- Ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- Мусобақаларни ўтказища ўз қатнашувини тасдиқлаган ҳакамлар руйхатига асосланиб, ўз ўринбосарларига ҳакамлар бригадасини тузишини таклиф қиласди;
- Илгари айтилган руйхатга асосан ўз ўринбосарларига турли участкалар ва хизматларнинг мусобақа ўтказилишига шайлилигини назорат қилишни топширади.
- Мусобақа ўтқазувчи ташкилотлар вакиллари ва спорт иншооти раҳбарияти билан кенгаш ўтказиб, у ерда унинг ўринбосарлари катнашчи ва хўжалик биноларининг мусобақа ўтказилишига шайлиги тўғрисида ҳабар берадилар.

Бош ҳакамлар коллегиясининг иши шундай ташкил қилинганда бош ҳакам ўринбосарларидан бири Россия ҳакамлар коллегияси президиуми томонидан мандат комиссияси раиси қилиб тасдиқланиши мумкин.

Мандат комиссияси ишида ҳакамлар коллегиясидан бош котиб ва 2-3 та маҳаллий ҳакам қатнашиб, мандат комиссияси раиси маҳаллий ташкилот вакили билан биргаликда шуларни аниқлайди:

- Мандат комиссиясининг иш вақтларида унинг турган жойини топиш;
- Комиссияга ажратилган хоналарни зарур анжомлар: стуллар, канцелярия қуроллари, кўпайтириш техникаси ва бошкалар билан жиҳозлаш;

- Комиссия иши технологияси.

Бундан ташқари, у жамоаларни жойлаштириш йўланмасига маъсул шахс ва берилган жойи шунингдек қаерда, қачон ва қайси вақтда сафар хизмати гувоҳномаси қайд қилиниши ва молиявий ҳисоб-китоб ўтказилишини тайинлайди.

Мусобақаларни ўтказувчиташкилот вакили мандат комиссиясига қўйидагиларни тақдим қилиши лозим:

- Мусобақалар тўғрисидаги низом ва уларни ўтказиши белгиловчи бошқа ҳужжатлар;

- Қатнашчилар рўйхати, мусобақаларга қўйилган спорт ташкилотлари жамоалари рўйхати;

- Имтиёзли кириш ҳукуқига эга бўлган, шунингдек қатнашишдан маҳрум қилинганлар рўйхати;

- Мусобақаларда қатнашиш ҳукуқига эга бўлиш учун мандат комиссияси баённомалари бланклари;

- Жамоалар ёзув бланклари, қатнашчилар анкеталари, бланклар;

- Қатнашчиларнинг дастлабки талабномалари.

Мандат комиссиясидан фақат жамоаларнинг расмий вакиллари ўтадилар.

Жамоа вакили расмий бланкда номи ёзилган талабномани топшириб, унга раҳбар ва катта мураббий томонидан қўл қўйилиб, муҳр билан тасдиқланган бўлади. Талабномада мусобақа номи ва унинг ўтказилиш санаси кўрсатилади. Ҳар бир қатнашчи фамилияси, тўғрисида “Сузишни билиши” устунида унинг қўли, шунингдек жисмоний тарбия врачлик диспансерининг муҳри билан тасдиқланган врачнинг қайд белгиси бўлиши лозим. Врач талабнома охирида мусобақаларга қўйилган спортчилар сонини тасдиқлайди ва ўз имзоси ва диспансер муҳри билан тасдиқлайди. Агар мусобақаларга кичик ёшдаги спортчилар олиб келинса, унда қўшимча равишда врач

ва диспансер мухри билан, шунингдек ташкилот раҳбари ва катта мураббийнинг имзоси билан тасдиқланган маълумотнома-рухсатнома илова қилинади. Вакил талабномадан ташқари қуидагиларни топширади:

- Ҳар бир экипажга барча устунлари тўлдирилган, машинкада ёзилган ёзувлар;
- Қатнашчилар паспорт (тўғилганлик тўғрисида гувоҳнома)лари;
- Кўчма мукофатлар.

Мандат комиссияси раиси барча ҳужжатларни текширади ва ёзув ва талабномалари мусобақалар бош котибига беради. Мандат комиссияси аъзолари барча мусобақаларга кириш ҳуқуқи тўғрисида баённома тузадилар ва унга имзо чеккандан сўнг бир нусхаси раисга , иккинчиси эса, жойлаштиришга йўлланма олиш учун жамоа вакилига берилади.

Иш тугагач, мандат комиссияси раиси якун чиқаради, ҳисоб-китобқилади ва уни ҳакамлар коллегияси ва жамоалар вакилларининг биргаликдаги мажлисида ўқиб беради.

Мандат комиссияси иши тугагач, бош котиб ҳакамлар коллегиясининг биринчи мажлисига тайёргарлик ишини ўтказиб, мажлис жамоалар вакиллари билан биргаликда ўтади.

#### **4.4. Ҳакамлик коллегияси иши.**

Ҳакамлик коллегиясининг жамоалар вакиллари билан биргаликдаги биринчи мажлиси Низомда кўрсатилган муддатда ўтказилади. Мажлисда: Низомни тасдиқланган, мусобақа ўтказадиган ташкилотларнинг маъсул вакиллари, ташкилий қўмита раиси қатнашишлари лозим. Бошқа шахсларнинг, хусусан

мураббийлар, норасмий вакиллар ва бошқаларнинг қатнашишлари мақсадга мувофиқ эмас. Мажлисни кўмита раиси (ёки унинг ўринбосари) ёхуд Низомни тасдиқлаган ташкилот вакили очиб беради. У қатнашчиларни Низомнинг асосий бандлари билан қисқача таништириб, йигинларни мусобақалар хусусиятлари, уларни ўтказиш тартиби, жойлаштириш, овқатланиш, тиббий хизмат, транспорт ва ш.к. ҳақида ахборот беради, шунингдек мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш тантаналарини ўтказиш, ғолиблар ва совриндорларни мукофотлаш тартибини аниқлайди.

Ташкил қилишга таалуқли барча масалалар ҳал қилингач, мажлисни олиб борувчи бош ҳакам билан таништиради.

Бош ҳакам:

- Хабар бериш учун мандат комиссияси раисига сўз беради ва унинг маъruzasi тугагач, жамоа вакиллари мандат комиссиясида юзага келган ҳал қилиш лозим бўлган барча масалаларни ечиш шартлари ва унга кетадиган вақтни аниқлайди;
- Жамоа вакилларида низом бўйича қандайдир саволлар мавжудлигини аниқлайди ва уларга асосланган ва бирдан-бир жавоб беради;
- Жамоа вакилларига мусобақалар ўтказилиши қоидалари ҳақида ахборот беради, мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш, ўтказиш тартибини аниқлайди, мусобақалар байроғини ким кўтарилиши ва туширилиши лозимлигини белгилайди. Шунингдек жамоа вакилларига допинг-назорат учун қатнашчилар танлови тартибини тушуниради;
- Руль бошқарувчилари оғирлигини ўлчаш тартиби ва вақти, машғулотлар вақти тўғрисида ахборот беради, мусобақалар тартиби, кема ва катерларнинг машғулот пайтидаги каби мусобақа вақтидаги ҳаракат тартиби,

шунингдек уларнинг бузилганлиги учун ҳаракат тартиби, шунингдек уларнинг бузилганлиги учун қўлланиладиган жарималар ҳақида эълон қиласди, причал солларидан кетиш ва у ерга қайтиб келиш, флюгарка ва резина шарчаларни бериш жойлари хамда уларни олиш тартибини аниқлайди, вакилларга майда таъмирлаш устахоналарининг иш тартиби, назорат комиссиясига заҳирадаги эшкакларни бериш вақти ва етказиш йўлларини маълум қиласди;

• Стартда заҳирадаги эшкаклар бўймаслиги стартни кечикириш ёки унинг вақтини ўзгартиришга асос бўла олмаслигини алоҳида қайд қиласди.

• Ҳар бир мусобақада бош ҳакам жамоа вакиллари, мураббийлар ва спортчиларга яхши билишлари лозим бўлган, шунга қарамасдан ёки эсдан чиқадиган ёки эътиборга олинмайдиган нарса, тўғрисида айтишга мажбур.

Уларга қуйидагилар киради: стартга кўтарилишда, шунингдек старт зonasида жамоаларнинг ўзини тутиши, қатнашчилар формаси, эшкаклар кураклари ранги, эътиroz билдириш қоидалари, жамоаларнинг шайлиги тўғрисида сўраш пайтида стартдаги қатнишчиларнинг имо-ишоралари ва бошқалар.

Мусобақаларни ташкил қилиш билан боғлиқ барча умумий масалалар бўйича ахборотлар бериш тугагач, бош ҳакам бош ҳакамлик коллегияси аъзолари ва катта ҳакамлар билан таништиради. Курра ташлашга ўтга ётиб талабномаларни текшириш натижалари ва кемаларнинг ҳар бир классидан мусобақаларга қўйилган экипажлар сони тўғрисида бош ҳакам ахборот беради ёки хабар етказишни бош котибга топширади.

Жамоалар вакилларига кемалар класслари чиқишилари бўйича жадвал ва дастур, чиқишилар орасидаги интерваллар тўғрисида хабар берилади.

Курра ташлашга кириша ётиб бош ҳакам қатнашувчиларга унинг қандай ўтиши тўғрисида ахборот беради. Курра ташлаш мусобақалар дастурига асосан ва кемаларнинг ҳар бир класси учун мусобақалар Қоидасига (4- §1 бўлум)га асосланган кетма-кетликда ўтказилади.

Курра ташлашдан олдин бош котиб қатнашувчиларга кемаларнинг ушбу классида нечта қайиқ чиқарилиш тўғрисида ахборот беради ва бу қайси жамоалар эканлигини ўқиб эшиттиради. Қайиқлар ва чиқишилар сони тўғрисида хабар бериб, шунингдек кемаларнинг ушбу классига курра ташлаш учун шарчалар ва биркалар куррада қатнашувчи жамоалар сони ва номига мос келигиша ишонч ҳосил қилгач, у курра ташлашга киришишни таклиф этади.

Куррада қатнашувчи жамоа вакиллари унинш натижаларини ёзиш учун бўш бланклар билан таъминлашлари лозим. Мусобақаларнинг биринчи кунидан курра ташлаш тугагач ва унинг натижаларини тасдиқлагач, бош ҳакам мусобақаларнинг кейинги босқичларида курра ташлашни ўтказиш ҳақидаги масалани кенгаш муҳокамасига олиб чиқади.

Одатда, кейинги босқичларда курра ташлаш кемаларнинг ҳар бир классида дастлабки чиқишилар тугагач, бош ҳакам ва бош котиб раҳбарлигига котибият томонидан ўтказилади. Манфаатдор жамоалар вакиллари котибиятда курра ташлашда иштирок этишлари мумкин. Агар бу вариант жамоаларнинг барча вакиллари томонидан қуллаб-қувватланмаса, унда кейинги босқичлардаги курра ташлаш бутун кунлик дастур ёки унинг ярмиси тугагач, ҳакамлар коллегияси ва жамоалар вакилларининг биргаликдаги мажлисида ўтказилади.

Қурра ташлаш тугагач, котибият ўз ишини давом эттиради, ҳакамлар коллегиясининг бошқа аъзолари эса, участкалар бўйича тақсимлаш ва семинарда қатнашиш учун бош ҳакам билан қоладилар.

Айтиб ўтилганидек, бош ҳакам ўз ўринbosарлари билан биринчи мажлис бошлангунча қадар участкаларда катта ҳакамларни тайинлайди, шундан сўнг старт бригадаси, арбиртаж ва марра бригадасида янада малакалироқ ҳакамлар ишлиши лозимлигини ҳисобга олиб, бу участкаларни у коллегиясиниг бошқа аъзолари билан тўлдириш зарур.

Анъанавий семинарни икки қисмга бўлиш мақсадга мувофиқдир-биринчисини бош ҳакам ҳакамлар коллегиясининг бутун таркиби учун ўтказади, иккинчисини катта ҳакам иш участкалари бўйича ўз ҳакамлар бригадаси учун ўтказади. Семинарнинг биринчи қисмида бош ҳакам ҳакамлар коллегияси барча аъзоларига Мусобақалар тўғрисидаги Низомнинг асосий жиҳатларини эслатиб қўяди, муайян мусобақаларда ҳакамлар коллегияси ишининг ўзига хос тафсилотларига диққатни қаратади, бошқа мусобақаларда бўлиб турувчи ва яна тақрорланиши мумкин бўлган хаталар ва камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтади.

Бош ҳакам айрим бригадалар ишини мувофиқлаштириш масаларига, алоқа варианatlари ва ўз ихтиёрига кирувчи ҳамда ўз ўринbosарларига мустақил ҳал қилишга топширган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Катта ҳакамлар ўтказадиган семинар-кўрсатмаларда муҳокама қилинадиган масалалар рўйхати ҳар бир бригада ишининг ўзига хос томонларини акс эттиради.

Ҳакамлар коллегиясининг биринчи мажлиси тугашидан олдин бош ҳакам мусобақанинг биринчи кунидаги иш тартиби билан барча ҳакамларни хабардор қилади.

#### **4.5. Ҳакамлик коллегияси иш тартиби.**

Мусобақаларнинг биринчи куни бош ҳакам мусобақалар жойига унинг бошланишидан 1,5 – 2 соат олдин келади. Худди шу пайтда унинг ўринбосарлари келиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳакамлар коллегияси йиғилгунча бош ҳакам масофа, старт қурилмалари ва катер хўжалиги шайлигига ишонч хосил қилиши керак.

Бутун ҳакамлик коллегияси, шунингдек спорт иншооти ва жамоат тартибини сақлаш ҳизматининг маъсул ходимлари мусобақалар бошланишга 1 сотдан кеч қолмасдан йиғилишлари лозим. Мусобақалар бошланишдан олдин бош котиб катта ҳакамларни старт баённомалари билан ҳар бир ҳакамнинг меъёрида ишлаш учун зарур миқдорда таъминлайди. Бош ҳакам ва спорт иншооти ва жамоат тиритибни сақлаш ҳизмати маъсул вақилларининг шайлик ҳақидаги хабарларини эшитиб ва юзага келган масалаларни ҳал қилиб, бош ҳакам катта ҳакамларга биринчи стартдан 15 дақ.олдин ҳабар беришларини тайинлаб, бригадаларни ўз иш жойларига юборадилар. Чиқишлиарни ўтказиш пайтида ҳар бир ҳакам ўз жойида ўзига топширилган ишни бажаради ва ўз иш жойини бригадада бошлиги рухсатисиз ташлаб кета олмайди. Фақатгина бригада бошлиғи ҳакамни қўйиб юборишга ҳақли, бу холда у бош ҳакамга бунинг сабаблари ҳақада ахборот беради.

Мусобақалар ўтказиш пайтида бош ҳакам қаерда бўлишини ўзи аниқлаши лозим, лекин бунда унинг

ўрнини босувчи ҳакам уни қаерда ва иложи борича тезроқ топшини билиш лозим.

Одатда, бош ҳакамнинг жойи марра атрофида бўлади.

Бош ҳакам жойлашган ер бригадалар турган барча асосий участкалар билан телефон ёки бошқа алоқа билан таъминланиши лозим. Такрорловчи алоқа сифатида ихчам рациялар мақсадга мувофиқ бўлиб, улар билан бош ҳакам ва бригада бошлиқлари таъминланадилар.

Агар арбитр, стартчи, маррадаги ёки бошқа бирор участкадан ҳакам қўпол хатога йўл қўйсалар, бош ҳакам айбдор ҳакамни ҳакамликда қатнашишдан четлаштириш ва ундан кейинчалик фойдаланиш ҳакида қарор қабул қилиши мумкин.

Жанжалли вазиятлар ва улар билан боғлиқ эътиrozлар келиб чиққанда бош ҳакам ҳақиқатни “из босилмасдан” қарор топтириши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, у эътиrozни кўриб чикишни. Вақти ва жойини белгилаб, бошқа кунга қолдириш мумкин. Кундузги чиқишилар ёки уларнинг эрталабки қисми тугагач, ҳакамлар коллегияси ва жамоалар вакиллари биргаликдаги мажлиси ўтказилиб, унга спорт иншооти маъсул вакиллари таклиф қилинади. Мажлисни оча ётиб, бош ҳакам ўтган чиқишилар бўйича вакилларининг ҳакамлар коллегияси ва айрим ҳакамларга бор-йўклиги билан кизиқишилари лозим. Агар танбех ва эътиrozлар бўлмаса (ёки уларни кўриб чиққач), чиқишиларнинг техник натижалари тасдиқланади.

Техник натижалар тасдиқланганда сўнг жамоалар вакиллари кейинги босқич баённомаларини олишлари лозим (агар курра ташлаш кемаларнинг ҳар бир классида чиқишилар тугагач ўтказилган бўлса).

Агар қурра ташлаш ўтказилмаган бўлса, бош ҳакам бригадалар бошлиқларидан уларнинг қатнашчилари, вакиллари ва спорт иншооти раҳбарларига бўлган шикоятлари тўғрисида сураб чиқади. Бош ҳакам бунда юзага келувчи барча масалаларни ҳал қилиб, қурра ташлашни ўтказади.

Зарурият туғилгандан у буни ўз ўринбосарига ёки бош котибга топшириши мумкин, ўзи эса, бу пайтда ҳакамлар коллегиясининг иши худди шу тартибда олиб борилади.

Мусобақаларнинг охирги кунида бош ҳакам ва котибиятнинг иш ҳажми кескин ортади. Мусобақаларнинг тугаш пайтида келиб, барча ўтган қунлар бўйича ҳисоб-китоб тузиш ва комплектлашнинг тугалланиши, Низомда айтилган синовларнинг барча варианtlари бўйича хulosा чиқариш бўйича ишлар тайёр бўлиши керак.

Одатда мусобақаларнинг расмий ёпилиши мукофотлаш соллари ёнида охирги чиқиш тугагач амалга оширилади. Шу пайтта келиб, шахсий ва жамоавий синов ғолибларини тақдирлаш учун барча мукофотлар тайёр бўлиши, мусобақалар байроғини тушириш топширилган спортчилар аниқланган ва тайёрланганлар бўлиши лозим.

Мусобақалар ёпилиши тугагач, ҳакамлар коллегияси жамоалар вакиллари ва спорт иншооти, жамоат тартибини сақлаш хизмати маъсул вакиллари ҳамда мусобақаларни ўтказган ташкилот вакиллари билан биргаликда мажлис ўтказилади. Бу мажлис ҳам олдингилари схемаси бўйича ўтказилади. Унинг охирида бош ҳакам мусобақаларга якун ясади ва ҳакамлар коллегиясининг ҳар бир аъзоси ишига баҳо беради.

## **5. Ҳакамлик услугияти ва амалиёти.**

Бир бутун бош ҳакамлик коллегияси ишига тегишли умумий қоидаларни баён қилиб, бевосита мусобақалар ҳакамлиги масалаларида тұхталамиз.

Бунинг учун ҳакамларнинг участкаларидаги: старт, арбитраж, оралиқ масофалар, марра ва котибиятдаги ишларини күриб чиқамиз.

### **5.1. Ҳакамлик старт бригадаси иши (3-чизма).**

#### **5.1.1. Таркиби ва ишнинг ташкил қилиниши.**

Ҳакамлик бригадаси таркибига қуидагилар киради: стартдаги катта ҳакам (стартчи), стартдаги ҳакам (тұғриловчи), стартдаги ҳакам ёрдамчиси, старт зонасидаги ҳакам. Қоидаларни старт бригадасининг миқдорий таркиби аниқлады: турли даражадаги мусобақаларда түрттадан кам бўлмаган одам, лекин, амалиётда бунга ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Сўнги йилларда эрта тонгда бошланиб, анча кеч тугайдиган регата туридаги мусобақалар кенг тарқалган. Дастаннинг эрталабки ва кечки қисмлари ўртасидаги танаффуснинг давомийлиги 1.5 дан 2.0 соатгача тебраниб туради. Агарда чиқишилар ўртасидаги вақт оралиғи 5-10 дақ бўлса, бригадага бўлган юкланма катта эканлигини тушуниш қийин эмас. Айниқса стартчи ва стартдаги ҳакам (тұғриловчи)га қийинроқ бўлади.

Халқаро регаталар ва ФИСА чемпионатлар амалиётининг кўрсатишига, йирик мусобақаларда битта стартчи хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқ эмас. Чет элдаги мусобақаларда, одатда, иккитадан кам бўлмаган стартчилар иш олиб боради.

Старт бригадаси таркибига ҳакамлардан ташқари хизматчи ходимлар-қайиқларни ушлаб турувчи

назоратчилар ҳам киради. Старт бригадасига ҳакамларни танлашда фақатгина касбий тайёргарлик даражаси эмас, балки уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва психологик мослигини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Старт олдидан ва старт ҳолатида йўлга солиш ва бошқаришга мойиллиги қийин спортчиларнинг ҳис-ҳаяжонли асабийлашган ҳолатлари айниқса кучли намоён булади. Шунинг учун зонадаги каби старт чизигида ҳам қатнашчилар ҳар қандай, баъзан олдиндан билиб бўлмайдиган ҳаракатларининг ҳар бирини қоидаларининг бузилиш баъзан эса, ҳакамга аламли қарши чиқиши деб осонгина тавсифлаш мумкин. Ҳакамлик старт бригадасини тузишда “стартчи-стартдаги” жуфтлигина алоҳида эътибор қаратиш керак, бунда юқори касбий маҳоратдан ташқари яхши бошқариладиган ҳис-туйғу ва психологик турғун хусусиятларга эга ҳакамларга ортиқча тан берилади.

Старт бригадаси аъзоларининг асосий вазифалари Мусобақалар Қоидалари (9-§ Ш бўлим)да етарлича тўлиқ ифодаланган. Лекин сўнгги йиллар амалиётининг кўрсатишича, барча йирик мусобақаларда, айниқса кичик мусобақаларда, старт бригадасининг

Ишчи номенклатурасида стартдаги ҳакам ёрдамчиси бўлмайди. Агар бригаданинг миқдорий таркиби Қоидаларда тавсия қилинганига мос келса, унда стартдаги ҳакам ёрдамчиси вазифаларини бажарувчи ҳакам кўпчилик холларда стартчи билан ёнма-ён туради ва стартга етиб келган жамоаларни қайд қилиш, вақтни назорат қилиш, алоқа ўрнатиш ва ш.к. билан унга амалий ёрдам беради.

### **5.1.2. Старт бригадаси ҳаракатлари**

Барча зарур нарсалар билан таъминланиши лозим бўлган ўз иш жойини текшириш билан старт бригадасининг ҳаракатлари бошланади. Стартчи старт минорасида: қизил байроқ, қўнғироқча, микрофон ва заҳиравий мегафон, соат, хронометр, табло ёки кириш вақти ўзгариши ҳолларида жамоаларга стартнинг янги вақтини етказиш учун мўлжалланган қора тош тахта, б.р. мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. У шунингдек тайинланган визирлар мавжудлигини назорат қиласиди, стартдаги ҳакам, бош ҳакам, маррадаги ҳакамлар, назорат комиссияси билан радио ва телефон алоқасининг соз-носозлигини текширади.

Стартдаги ҳакам (тўғриловчи) старт қурилмалари ишини, уларда ракамлар мавжудлигини ва старт зонаси доирасидаги белгиларнинг тўғри ўрнатилганлигини, стартчи, бош ҳакам, маррадаги ҳакам билан радио ва телефон алоқасининг соз-носозлигини, қайиқларни ушлаб турувчи билан радио ва телефон алоқаси, заҳиравий мегафон, оқ ва қизил байроқлар, қўнғироқча, белгилар ва старт чизиги мавжудлигини текширади.

Агар старт қурилмалари қайиқлар узунлигига боғлиқ ўз ҳолатларини ўзgartиришлари учун механизмлар билан жиҳозланмаган бўлса, қайиқларни бир сатҳда (барча турдаги кемалар учун) тўғрилашни таъминловчи камида тўртта старт чизигига эга бўлиши лозим.

Старт зонаси старт зонаси чегараси белгалари ва қизил байроқ мавжудлигини текшириш лозим .

Старт мусобақаларга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилгач, старти бу ҳақда мусобақалар бош ҳакамига маълумот беради.

Стартгача қолган вақтда ушлаб турувчилар билан инструктаж үтказилади. Бунда уларга асосий нарсаларни эслатиб үтилади:----- қайиқларни күйруғидан ушлаш ва ҳеч қачон рулдан керак эмас; “Марш!” буйруғи бүйича қайиқни итармасдан ва тұхтатмасдан фақат құлни пастта тушариш керак; агар тұғрилашда қайиқни тутиб турувчи солча ёнидан ва орқага үтказиш керак бўлса, құлнинг рулга тегиб кетмаслиги учун уни кескин юқорига тортиш керак. Буйруқларни қисқа бериш керак. Энг яхшиси сув рақами ва ҳаракат йұналишини айтиш керак. Масалан,”1-олга!”, “Тұхта!”, “2-орқага!”, “Тұхта!”, “Хамма жойида!” ва ш.к. Фальстарт пайтида уни содир қилган жамоанинг ушлаб турувчисига маҳсус белги қўйиши лозимлигини тушунтириши керак. Бунинг учун амалиётда чўқмайдиган материалдан қилинган, қизил рангга бўялган шарлар ёки кублар қўлланилади. Барча старт зонасида турғанларга, шу жумладан арбитрларга ҳам ўзаро кучайтиргичлар орқали сўзлашишга йўл қўйилмаслиги ҳақида эслатиш лозим.

Стартдаги барча ишлар батамом жим-житлик шароитида ва асабийлашувсиз үтиши лозим. Ҳар қандай вазиятда гап-сўзлар истисно қилинади. Стартда бажариладиган иш тартиби Мусобақалар қоидалари (34 § 5- бўлим)да муфассал баён қилинган.

### **5.1.3. Старт бригадасининг қайиқлар старт зонасига кириш вақтидан бошлаб, икки дақиқалик тайёргарлик эълон қилингунча қадар бўлган ҳаракатлари.**

Спортчилар юзага келтирадиган вазиятлар.

1. Экипажлар ёки олдинги чиқиш старт зонасининг чегараларидан ҳали чиқмасдан, ёки бу чиқиш қатнашчилари ҳали старт соли олдида тургунларида старт зонасига

кирадилар. Бунда баъзилар старт чизигидаги масофа ёнида тўхтайдилар ёки старт соли ва чизиги орасидаги масофада тўхтайдилар.

2. Стартгача икки дақиқа қолганлигини эълон қилингач, старт солида бир ёки бир неча қайик ўз жойларини эгалланмаган. Кимдир ўз тактик ўйлари” ни бажариб, атайин ушланиб қолади, бунда кўпинча бундай харакатларга бошқа жамоани даъват қиласди, кимдир кечикади.

Биринчи ҳолда стартчи жамоа (жамоаларга) ўз старт жойларини эгаллашни таклиф қилиш ва кўрсатма бажарилгач, унга (уларга) огоҳлантириш эълон қилиши лозим.

Ўз старт жойини эгаллаганда сўнг стартга кечикган жамоага ҳам худди шундай огоҳлантириш эълон қилинади. Агар ўз старт жойини эгаллаш таклифдан сўнг жамоа унга жавоб бермаса ва, унинг фикрича стартчи кўрсатмаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи сабабларни келтирмаса, унча дарҳол огоҳлантириш бериш зарур. Агар шундан кейин ҳам у старт жойини эгалламаса, жамоанинг чиқишга рухсат этилмайди.

Ҳакамлар юзага келтирадиган вазиятлар.

1. Стартгача қолган вақтни стартчи хронометрдан фойдаланмасдан эълон қиласди.

Стартчи стартгача қолган вақтни ўзини хронометрда назорат қилиб, роппа-роса бир дақиқадан сўнг эълон қилиш лозим.

2. Қоидаларда айтилишича, стартга 5 дақ.қолганда стартчи (қатнашчилар ўтадиган масофадаги сув йўлаклар) рақамини эълон қиласди. Лекин амалиётда стартчилар кўпинча бу кўрсатмаларга фақатгина Россия ичидаги

мусобақаларда эмас, балки халқаро мусобақаларда ҳам риоя қилмайдилар.

Масофаларда ўтувчи, халқаро ва Россия ички қоидаларига асосан жиҳозланган йирик мусобақаларда бу ортиқча, чунки уларда юқори малакали спортчилар қатнашадилар, чиқишлиар ўртасидаги интервал 5 дақ.дан юқори бўлмаган регата туридаги мусобақаларда эса, бажариш қийин. Шу билан бир вақтда болалар, шунингдек қуий разрядли спортчилар қатнашган мусобақаларда ҳар бир жамоа стартга чиқадиган сув (йўлка) рақамини эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни яна мусобақалар табиий сув ҳавзаларида белгиланган масофаларда ўтказилиб, у ерда масофаларнинг рақам белгисини ўрнатиш мумкин бўлмаган ҳамда старт солларида йўқолган (ёмон об-ҳаво шароитларида ва бошқа камчиликларда) ва мусобақа старт рақамлари қайта ўрнатилмаган пайтларда бажариш зарур.

3. Стартчи арбитр ёки тўғриловчи спортчилар ҳаракатларини олдиндан белгилаб қўйигشا уринадилар: стартга ҳали 2 дақ.дан кўпроқ вақт қолганда, об-ҳаво шароитларини-шамол, ёмғир, совук, қуёш, иссиқ ва ш.кабиларни хисобга олмасдан жамоага ягона формани қабул қилишни таклиф қиласидилар.

Ҳакамларнинг аралашуви вақтидан илгари ва асосланмаган. Спортчиларда буларнинг барчасини кўрсатмасиз ҳам қилишга вақтлари бор.

4. Ҳакамлардан бирортаси ўз сув чегараларида оёқ-қўл чигилини ёзаётган спортчиларга улар узоққа кетиб қолмасликлари ёки қайиқ масофа бўйлаб бир текисда туриши ва ш.к. танбеҳлар берадилар. Ҳакамларнинг аралашуви вақтидан илгари ва асосланмаган.

Жамоалар қоидаларни бузмайдилар.

5. Стартгача 2 дақ.дан қўпроқ вақт бор. Барча қайиқлар ўз жойларида, текис қўйилган ва ҳар бир жамоа ягода формада.

Тўғриловчи оқ байроқни кўтаради ва ушлаб туради. Тўғриловчининг ҳаракатлари вақтидан илгари, чунки бу вақт-“спортчилар вақти”, чунончи, старт бригадаси вақти эмас. Стартчи стартгача 2 дақ. қолганини эълон қилгандан кейин тўғриловчи байроқни кўтариши лозим.

Стартгача 2 дақ. қолганлигини тўғрисидаги хабардан сўнг ва тўғриловчи оқ байроқни кўтарганда стартчи арбитр чиқишни бажаришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

**5.1.4. Чиқишни кузатиши лозим бўлган арбитр  
оқ байроқни кўтариб, тайёр Старт  
бригадасининг икки дақиқалик  
тайёргарлик эълон қилинган вақтдан  
бошлаб, сўроқ ўтказиш тугагунча қадар  
бўлган ҳаракатлари.**

Эканлиги тўғрисида огоҳлантиради ёки қўл кўтариш билан ўз шайлиги тўғрисида хабар беради.

Иккинчи босқич жамоаларнинг старт қабул қилишга шайлиги тўғрисида уларни сўроқ қилишдан бошланади.

Сўроқ қилиш навбатма навбат биринчи сувда турган жамоадан бошлаб ўтказилади.

Алоҳида қайд қилиш керакки равон ортиқча ҳисҳаяжонсиз овозда, аниқ, бир хил тўхтамлар билан ўтказилади. Бунда саволни юзаки эмас, балки ургу билан бериш лозим бўлиб, жамоа худди ўзига мурожаат этаётганларини овоздан ҳис қилиши керак. Бунинг учун жамоа номини айтиб бироз тўхташ ва

мурожаат қабул қилинганига ишонч ҳосил қилиш, шундан сўнг: “Тайёрмисиз?” деб сўраш етарли.

Спортчиларда содир бўладиган вазиятлар.

1. Стартчи сақол бергунча, ёки тумшуқдаги эшкак эшувчи, ёки кейинги эшкак эшувчи, баъзан эса, бутун жамоа стартга тайёр эмасликларини билдириб, қўл кўтариб турадилар.

Стартчи саволни қуидагилардан бошлиши керак эмас:

- Агар у меъёрдаги стартга ҳалақит берувчи сабаблар борлигини кўрса. Хусусан, у масофада қайиқлар, катерлар ва бошқа ҳар қандай сузувчи предметлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиши лозим;
- Агар масофада катернинг тўлқин ҳосил қилиши кузатилса, бунинг устига, агар бу бўлқин старт пайтигача бериш мумкин бўлса;
- Агар қайиқ (қайиқлар) масофа бўйлаб тўғри йўналишни эгалламаган бўлса;
- Агар спортчилар формани таркибга келтиришни тутатмаган бўлсалар.

Ҳалақит берувчи сабаблар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, стартчи сўроқ қилишни бошлайди.

Агар жамоа қўлларини кўтарган ҳолда туришни давом эттирсалар, стартчи эса, тайёр бўлмасликка объектив сабаблар бўлмаса, у жавоб реакциясининг, яъни бош силкиб қилинган имо ишорани кутмасдан сўроқ қилишни бошлиши, давом эттириши ва охирига етказиши лозим.

2. Сўроқ қилиш пайтида қайиқлардан бири старт соли ёнидан кетди, унинг экипажидан шайлик

түғрисида тасдиқ олинган эди. Бу ҳолда стартчи сўроқ қилишни тўхтатади ва жамоага сол олдида жой эгаллашни тақлиф қиласди. Агар жамоа ўзига боғлиқ бўлмаган вазият натижасида (шамол, старт механизмлари ва қурилмари носозлиги ёки ушлаб турувчининг айби билан) эмас, балки ўз ташаббуси билан солдан узоқлашганлигига ишонч ҳосил қиласа, у жамоанинг ўзини тутишини қоидани бузиш деб баҳолаб, унга танбеҳ бериш лозим.

Бундай вазиятда сўроқ қилиш бошидан бошланади.

Ҳакам томонидан вужудга келган вазиятлар.

Стартдаги аҳвол невроз ҳолатда. Спортчилар отриқча асабийлашган бўлиб, стартчини жиддий эътибор билан кузатадилар.

1. Сўроқ қилиш турли шаклда олиб борилади, масалан “Биринчи сув, сиз тайёрмисиз?”, “Иккинчи сув, тайёрмисиз?”, “Учинчи, тайёрмисиз? ” ва ш.к.
2. Сўроқ қилиш маромига риоя қилинмайди-охирига бориб, секин-аста тезлашув ёки “узук-юлуқ” маром.
3. Суроқ қилиш пайтида арбитр аралашиб, жамоага қайиқ масофа ўқи бўйича турмаганлиги, ёки эшкак эшувчилардан бирортаси, масалан , қалпоқчасини ечмагани ва ш.к. тўғрисида танбеҳ беради.
4. Сўроқ қилиш пайтида тўғриловчи ушлаб турувчиларга шундай қаттиқ буйруқлар берадики, буни эшкак эшувчилар эшитадилар.

Танбеҳ бериш мароми вазминли бўлиши лозим.

Бир жамоага қаратилган сўроқ қилишидаги сўзлар орасидаги вақт бошқа жамоага мурожаат орасидаги вақт

каби бўлиб, абсолют катталиги бўйича турлича, лекин бир чиқищдаги каби бошқа барча чиқишиларда ҳам жамоаларини сўроқ қилиш жараёнида бир хил бўлиши мумкин.

### **5.1.5. Старт бригадасининг сўроқ қилиш тугагандан бошлаб, старт буйруғи берилгунча қадар бўлган ҳаракатлари.**

Сўроқ қилиш тугагач, стартнинг энг масъулияли учунчи босқичи бошланади. Барча қатнашчилар тайёрлиги учунчи босқичи бошланади. Барча қатнашчилар тайёрлиги, масофада шов-шувлар йўқлиги, тўғриловчининг эса, кўтарилиган оқ байроқни ушлаб туриши давом этаётганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилгач, стартчи равон ҳаракат билан ёйилган қизил байроқни боши узра кўтаради, бунда иккинчи кўли билан мато ушланади. Стартчи қўлни чўзган ҳолатда байроқни ушлаб, қатъий тушунарли, қисқа ва осойишта “Дикқат!” ва аниқ тўхтамдан сўнг, бўлиб-бўлиб, лекин бақирмасдан, ўқ сингари “Марш!” дейиши, бир вақтнинг ўзида қизил байроқни тез пастга тушириши лозим.

Эшкак эшувчилар томонидан руй берувчи вазиятлар.

1. Сўроқ қилиш тугагач, лекин байроқ кўтарилигунча ва дастлабки “Дикқат!” буйруғи берилгунча жамоалардан бири ёки бирданига бир нечтаси старт қабул қилишга тайёр эмаслиги ҳақида хабар беради.
2. Худди шундай, лекин “Дикқат!” буйруғидан сўнг.

Стартчи жамоаларни шайлик түғрисида сүроқ қилғандан сүнг спортчилар стартга тайёр эмасликлари түғрисида огохлантириш учун құл күтаришга ҳақли эмаслар, бундан икки ҳолат мустасно:

- Экипажнинг бир ёки бир неча аъзоси саломатлигининг түсатдан ёмонлашуви;
- Инвентарларнинг илгари сезилмаган носозлиги.

Бундай ҳолларда жамоа арбитр рухсати билан старт жойидан кетишлари лозим.

Ҳакамлар томонидан рўй берувчи вазиятлар.

1. Стартчи қизил байроқни жуда тез ёки жуда секин, силташ билан күтаради, юқори күтарған ҳолатда уни муйян ушлаб турмайди.
2. “Диққат!” буйруғни қизил байроқ күтариленгандың пайтда берилади.
3. Қизил байроқ күтариленганды, “Диққат!” буйруғи эса, анчадан бери берилмаяпти, сўзнинг ўзи ёки баланд товушда, ёки тушунарсиз айтилаяпти.
4. “Диққат!” ва “Марш!” буйруқлари ўртасидаги тўхтам ёки йўқ, ёки у чўзилган бўлади.
5. Стартчи “Марш!” буйруғини бераётганда чўзиб талаффуз қиласди. Масофаларга қўйилган талабларга мос жихозланган масофаларда ўтказилувчи баъзибир мусобақаларда стартчи стартни мегафон орқали бқриши мумкин. Бунда у ўз-ўзидан маълум, байроқ матосини иккинчи құл билан ушлаб олмайди. Бу ҳолда байроқни ўзт олдидан эмас, балки ён томондан юқорига күтарған афзал.

Старт пайтида тўғриловчининг жавобгарлиги жуда юқори бўлади. Унинг худди ўзи ҳам, фальстарт бўлганми ёки йўқлигини аниқловчи ҳакам ҳисобланади. шунинг учун тўғриловчи ҳамма вақт юқори психологик таранглик тартибида ишлайди. Бу таранглик икки омил билан чуқурлашади: стартлар жадаллиги билан (айниқса, улар орасидаги вақт 5 дақ.дан ошмаса) ва, бу ғалати тую ҳам, видеоназарат мавжудлиги билан. Агар биринчи омил тушунтиришни талаб қилмайдиган бўлса, унда иккинчиси тўғрисида алоҳида сўзлаш керак. Гап шундаки, видеоназарат мавжудлиги тўғриловчида фальстартни хато аниқлаш ёки уни ўтказиб юборишдаги қўркувга сабаб бўлади. Лекин видеоназарат қанчалик яхши таъминланган бўлмасин, фақатгина тўғриловчининг юқори малакаси мусобақалар қатнашчиларидан бирортаси ҳам стартда нотуғри эришилган устунликка эга бўла олмаслигига кафолат бўла олиши мумкин.

Қоидаларда фальстарт тушунчаси “стартчи” Диққат! Буйруғини бергандан сўнг, лекин “Марш!” буйруғига бир ёки неча қайиқлар ҳаракатининг бошланиши ва старт чизигини қайиқ бурни билан кесиб ўтиш, деб тушунилади.

Жамоага чиқиши тўхтатишини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи старт зонасидаги носозликлар рўй берган, деб ҳисобловчи жамоа сигналини қайд қилган старт зонаси ҳаками.

Агар шу рўй берса, старт зонаси ҳаками носозликлар тўғрисида огоҳлантирувчи эшкак эшувчининг қўли 100 метрлик старт зонаси доирасида ёки ундан ташқарида кўтарилганини аниқлаши лозим.

Агар ҳакам жамоадаги носозликлар старт зонасида рўй берганлигига ишонч ҳосил қилган бўлса, бу ҳолда у

қизил байроқни күтәради. Агар бу вақтта келиб қайиқ старт зонасидан чиқиб кетган бўлса, қизил байроқ күтарилимайди.

Қайиқ бурни старт чизигини кесиб ўтган вақтдан бошлаб, у масофага чиққан ва қайиқ бурни марра чизигини кесиб ўтган бўлса, масофадан чиққан, яъни маррага етган ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, қайиқ бурни 100 метрли старт зонаси чизигини кесиб ўтган вақтда у старт зонасидан чиққан ҳисобланади.

## **5.2. Арбитрлар иши (4-чизма).**

Мусобақа қоидалари энг юқори миқдори олти кишидан иборат бўлишини кўзда тутган ҳолда мусобақа қатнашчилари сонига боғлик равишда арбитраж таркибини аниқлайди. Бу миқдорга катта арбитр ҳам киради.

Катта арбитр бутун арбиртлар бригадаси иши ташкилотчиси бўлиб, чиқишлиарнинг муваффақиятли ўтиши уларнинг ишчанлик қобилиятига қўп даражада боғлик бўлади.

### **5.2.1. Катта арбитр вазифалари.**

Ҳаммадан олдин, катта арбитр мусобақа қатнашчилари тайёргарлиги қандай, мусобақалар қандай вазифаларни ҳал қилиши лозим (жаҳон чемпионатлари Олимпия ўйинлари ва ш.қабиларга саралаш ўтказишда улар факат чемпионат, биринчилик ёки оралиқ босқич ёхуд якуний босқич ҳисобланадими), у билан келгусида ишлашга тўғри келадиган арбитрлар малакаси ва тажрибаси қандай, масофа қандай жиҳозланган, арбитрлар учун катерлар моторчилари касбий тайёргарлиги қандай ва бу катерларнинг техник

холати қай ахволда эканлигини жуда аниқ тасаввур қилиши лозим. Буларнинг бари катта арбитрга ўз гурухи учун семинарни қандай тузиш, қандай масалаларга янада жиддийроқ эътибор қаратиш ва қандай жуда мураккаб чиқишиларга янада малакалироқ арбитрларни қўйишни билиши зарур.

### **5.2.2. Арбитрлар ишини ташкил қилиш.**

Катта арбитр арбитрларни чиқиши бўйича дастурга асосан таксимлаб, жадвал бузади ва арбитрларнинг масофада жойлашиш чизмасини тайёрлайди.

Беш кишидан кам бўлмаган арбитрлар гуруҳи ишини ташкил қилишни энг қулай варианти деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳолда уч арбитр чиқиши бошлангунча 1500, 1000 ва 500 м.ли белгиларда, икки арбитр эса, старт зонасида жойлашадилар. Масофага биринчи чиқиши муваффакиятли бажарилиши билан старт зонасида битта арбитр қолади. Чиқиши 500, 100, 15000 м.ли белгилардан ўтиши билан бу белгиларда турган арбитрлар старт зонаси томон 500 м.дан. силжийдилар ва мос равишда куйидаги вазиятларни эгаллайдилар: 500 м.ли белгидаги арбитр старт зонасига, 1000 м.ли белгидагиси 500 м.ли белгига, 1500 м.ли белгидагиси 1000 м.ли белгига ўтади. Чиқиши мэррагача олиб борган арбитр старт томонга қайтиб келади ва 1500 м.ли белгида тўхтайди. Ҳаракатнинг ҳалқали чизмасида бутун масофа назорат остида бўлади, чиқиши олиб бораётган арбитр олдида катер бузилиб қолган вазиятда, шу заҳотиёқ уни чиқиши арбитрига яқин белгидан навбатчи катер билан алмаштирилиши мумкин. Бу тизимнинг устунлиги яна шундаки, қандайдир жамоада авария ҳолати содир бўлса, асосий арбитр авария ҳолатидаги жамоани заҳирадаги арбитр қарамоғига топшириб, ўзи пойгани давом эттиради.

Агар арбитрлар бештадан кам бўлса, уларнинг стартга юқори тезлиқда қайтишларига тўғри келади, шунинг учун катта арбитр фақатгина тезлик тартибини эмас, балки юриш йўлини ҳам қатъий белгилаши лозим.

Масофа ўргасида стартга кўтарилиши энг мақсадга мувофиқ ҳисобланади, бунда унга яқин жойлашган қирғоқлари бўлган сув ҳавзаларида жиҳозланган масофаларда арбитр қачон катер тезлигини пасайтириш ва масофадан кетиш вақтини белгилаши зарур, чунки эшкак эшувчиларга катер ҳам, катер ҳосил қилган тўлқин ҳам, қирғоқдан қайтган тўлкинлар ҳам ҳалақит бермаслиги керак.

Агар чикиш қатнашчилари старт соллари ёнида турганларида арбитр масофа бўйлаб стартга яқинлашса, бунда у ҳар қандай вазиятда катер тезлигини деярли нулгача тушириш лозим.

### **5.2.3. Пойга пайтида арбитр ҳаракатлари**

Пойга пайтида арбитр иккита сигнал байроқлари (ок ва қизил рангдаги), мегафон ёки микрофон, кўнғироқчалар билан тўлдириш лозим бўлган катерда туради. Катерда мусобақалар дастури ҳам бўлиши лозим.

Стартга кўтарилган ва белгилар устида турган ҳолда арбитрлар акватория ҳолатини дикқат билан кузатишлари, унинг устида тўсқинликлар пайдо бўлса, уларни бартараф қилиш шарт. Агар буни қилиш уларнинг қўлидан келмаса, тезлик билан бош ҳакам ёки унинг ўринбосари ва стартчига хабар бериш керак. Тўсқинлар бартараф бўлиши билан арбитр бу тўғрида стартчига ахборот бериш лозим. Арбитрлар мусобақалар пайтида масофа ҳолати устидан доимо назоратни амалга оширишлари лозим.

Бу вазифалардан ташқари чиқишини бошқармайдиган ҳар қандай арбитр масофа ёки акваториянинг қандай нуқтасида турган бўлмасин қатнашчиларнинг ўзини тутиши ва улар томонидан Қоидалар талабларига риоя қилишишни назорат қилиб туришлари шарт. Қайиқларнинг стартга кўтарилиш ва чигил ёзиш пайтидаги ҳаракатига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Чиқишини кузатишга тайёрланаётган арбитр старт зonasида шундай жойлашиши лозимки, у стартда рўй берадиган нарсаларни яхши кўриш ва дарҳол пойгага киришиб кетиши имкониятига эга бўлиши керак. Бунда катернинг ишлаётган мотори спортчиларнинг стартчи буйруғини аниқ эшлишишга ҳалақит бермаслиги, ишланган газлар эса, улар томонга келмаслигига дикқатни қаратиш керак.

Арбитр старт зonasида туриб, Қоидаларни бузишга бўлган барча уринишларни очиб ташлашлари лозим, булар сувдаги ҳаракат қоидаларига риоя қилмаслиқда, чиқища қатнашмайдиган қатнашчиларни тўхтатишида, старт чизиғида, старт соли олдида, қаттиқ сўзлашувларда ва ш.кабиларда ўз аксини топади. Бу ҳолда арбитр иложи борича қаттиқ гапиравучи алоқадан фойдаланмаслиги лозим. Арбитрнинг стартда бажариладиган иш тартибига аралашувига йўл қўйиб бўлмайди. Агар у меъёрида ишлаётган стартга бирор нарса ҳалақит берадиганини кўрса, ва агар, унинг фикрича стартчи буни кўра олмаса, арбитр стартчига яқинлашиб, унга тўсқинликлар тўғрисида хабар етказиши керак.

Арбитр катери стартдан сўнг дарҳол масофа ўртасига йўл олади. Агар чиқища олтита қайиқ

қатнашса, унда арбитр 3 ва 4-сувлар орасида кетади. Қатнашувчи қайиқлар сони кам бўлса, арбитр ўз катерининг чиқиш ўртасида кетишига интилиши лозим. Қоидаларда кўрсатилишича, арбитр катери охирги қайиқдан тахминан 25 – 30 м. орқароқда юриши керак. Арбитр охирги қайиқقا жуда яқин юрмаганидек ундан анча орқада қолиб кетмаслииги ҳам лозим, деган тавсия шак-шубҳасиз ўрин қолдирмайдиган бўлиши мумкин. Умуман айтганда, арбитрга охирги қайиқдан шундай масофада юришни тавсия қилиш мумкинки, бунда унинг овоз билан (кучайтиргич орқали) берган буйруқлари чиқишнинг барча қатнашчиларига яхши эшитилади, арбитрнинг ўзи эса, барча чиқишларни кўздан қочирмаслиги, зарурият туғилганда керакли нуқтага тез етиб бориш керак.

Охирги қайиқда якин бориш тавсия этилмайди, чунки олдинга чиқиш учун харакатланиш кескин чекланган, лекин яна шунинг учунки, бу ҳолатда арбитр охирги қайиқ учун “Ноилож пешқадам” ҳисобланади.

Масофанинг олдинги беш юз метрларида бу тавсияларга риоя қилиш осон, чунки масофанинг бу қисмида қайиқлар анча тўпланиб ўтади, лекин кейин чиқишлар камаяди-энг кучлилар олдинга ўтиб кетади, бўшлар орқада қолади.

Хатто агар барча қайиқлар тўппа-тўғри йўналиш бўйича юрсалар ҳам, арбитр доимо ўзгариб турувчи вазиятда ҳар бир муайян вақтда қаерда туриши лозимлигини тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

Бир ёки бир неча қайиқ анча ортда қолиб кетганда арбитр ортда қолиб кетган қайиқларни айланиб чиқиши ва ўзининг назорат қилиши ҳамда, зарурият тўғилганда пешқадамлик қилаётган экипажлар куришига

аралашувига имкон берувчи вазиятни эгаллаши лозим. Ортда қолган қайиқларни айланиб чиқиши ортда қолғанларга катер күттарған түлкінлар келтирған ноқулайлар камроқ таъсир қилиш учун тезлик билан ва катта ёй бүйича усулларда бажарилиши лозим. Пешқадамлар ортидан вазиятни эгаллаб, ортда қолған қайиқлар бу түлкінде кетмаётгандарига ишонч ҳосил қилиши керак.

Арбитр ҳар қандай вазиятда алохидә зарурият бўлмаса, катернинг ҳаракат йўналишини ўзгартириши керак эмас. Ҳаракатлар уларга жуда зарурият пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилгач бажарилади.

“арбитр пойга жараёнида қайиқларни жўнатмаслигига ёки уларнинг йўналишига нисбатан кўрсатмалар бермаслиги лозим.....” Жамоа (ёлғиз қайиқ) пойга жараёнида бир ёки бир неча рақибга ҳалақит берувчи вазиятни юзага келтирғангина арбитр аралашуви зарур. Бу шундай вазиятда рўй бериши мумкинки, бунда қайиқ бошқа жамоани ўз эшкакларининг “шалоп-шулупи” бўйлаб юришга мажбур қиласидиган ҳолатни эгаллайди. Бундан ташқари, агар қайиқ йўлида тўсиқ учраб, унга урилиш жамоага масофани ўтишга ҳалақит берса ёки баҳтсиз ходиса хавфини тўғдирса, арбитр аралашуви зарур. Бу икки ҳолатдан ташқари, агар спортчилар чиқиши қатнашчиларигангина эмас, балки жамоадаги ўз ўртоқларига нисбатан, ҳам ўзларини интизомсиз (бе даб сўқиши, қўпоплик, тақдид ва ш.к.) тутсалар, арбитр пойгага аралашишга мажбур бўлади. Биринчи икки ҳолатда арбитр, оқ байроқдан фойдаланиб, ўз кўрсатмаларини беради. Бунда шуни эсдан чтқармаслик керакки, оғзаки кўрсатмалар факат айрим ҳолатларда,

яъни: огоҳлантириш, экипажни чиқишдан қайтариш ёки “Диккат-түсиқ!” буйруқларида бериш лозим.

Агар арбитр қоидаларни қўпол бузган, хусусан сўккан жамоага нисбатан жарима қўлласа, бу ҳолда у оқ байроқни кўтариб ва жамоа номини айтиб: “Тўхтанг! Масофадан чиқинг!” дейди. Жамоа эшитганини кўргач, арбитр байроқни тушириди, жамоага чиқиб кетиш сабабини қисқа тушунтириб, чиқишни кузатишида давом этади.

Чиқишда қатнашаётган охириги қайиқ марра чизигини кесиб ўтгандан сўнг, арбитр бирорта жамоа ҳам эътиroz билдирмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бу ҳолда, шунингдек, агар пойга жараёнида на огоҳлантириш, на жамоани чиқариб юбориш бўлмаган бўлса, арбитр оқ байроқни кўтаради. Агарда у жамоа эътиroz билдирганини кўрса, (кейинги эшқакчи ёки экипаж аъзоларидан бирортаси қўлини юқорига кўтариб турса), арбитр қайиқ олдига боради ва эътиroz билдириш моҳиятини аниқлайди. Агар арбитрнинг тушунтиришлари спортчиларни қониқтирса уларнинг эътирози олиб ташланади, шунингдек арбитр оқ байроқни кўтаради. Арбитр маррадан унинг ахбороти қабул қилинганлиги тўғрисида хабар (оқ байроқ кўтарилиши билан) олгач, марра зонасидан чиқиб кетади. Агар спортчилар эътиrozни қабул қилишда туриб олсалар, шунингдек пойга жараёнида арбитр огоҳлантириш берган бўлса ёки жамоани чиқишдан қайтарган бўлса, унда у қизил байроқни кўтаради ва бош ҳакам олдига бориб, бўлиб ўтган воеалар ҳамда ўзи қабул қилган ҳаракатлар тўғрисида ахборот беради. Бу вазиятда арбитр марра зонасидан фақат бош ҳакам рузсати билан чиқиб кетади.

#### **5.2.4. Тўпланиб қолиш пайтида арбитр ҳаракатлари.**

Қоидаларда айтилган вазиятларда тўхталиб ўтамиз, бу вазиятлар натижасида арбитр тўхталиб қолганда чиқиши тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин, яъни бунда чиқиш қатнашчиларининг қайиқ ва эшкаклари бир-бирига келиб тегиши жойларнинг тақсимланишига, бир ёки неча экипажни чиқишининг бошқа қатнашчиларига нисбатан тенг бўлмаган ҳолатда тушишига таъсир кўрсатади.

Юқорида кўрсатилгандек, арбитрнинг асосий вазифаси шундан иборатки, бунда рақиблар юзага келтирган тўсқинликлар натижасида қақдайдир жамоа устунликдаги ёки нокулай ҳолатлардаги вазиятларга тушиб қолмаслигига йўл қўймаслик лозим. Бундай тўсқинликларни икки тоифага бўлиш мумкин: қоидани бузиб, қасдан содир этилган тўсқинликлар ва билмасдан, лекин шунингдек Қоидаларни бузиб, содир этилган тўсқинликлар. Иккинчиси, одатда, спортчиларнинг бўш техник тайёргарлиги ёки пойга пайтида асбоб-ускуналарнинг бузилиб қолиши оқибатида содир бўлади.

Биринчи ҳолда ҳам, иккинчи ҳолда ҳам, агар арбитр масофада меъёрдаги вазиятни тикламаса, тўсқинликлар қайиқларнинг тўпланиб қолишига олиб келади.

Бу ҳолда қоидаларда арбитр ҳаракатлари тўғрисида бундай дейилган: “тўпланиб қолиш вазиятида чиқиш қолдирилиши ва тўпланиб қолишида айборлар қатнашувисиз бошқатдан чиқилиши лозим. Тўпланиб қолишидаги айбор дастурнинг ушбу сонидаги мусобакалардан чиқариб юборилиши лозим бўлади.

Арбитр -----чиқиши тўхтатмасдан тўпланиб қолишида айбор қатнашчиларга тўхташ ва бу

холда бошқа экипажларга ҳалақит бермасдан масофани тарк этишни таклиф қилиши мумкин “

Тўпланиб қолиш вазиятида чиқишининг тўхташи ҳақида қарор қабул қилаётib, арбитр қуидагиларни хисобга олиши лозим:

1. Чиқиш таснифи (дастлабки, саралаш, ярим финал), чунки у бўйича қарор қабул қилинадиган чиқиш тавсифига жамоанинг мусобақаларда кейинги қатнашуви ва унинг охири натижаси боғлик бўлади.
2. Масофанинг қайси участкасида тўпланиб қолиши рўй беради?
3. Тўпланиб қолиши жабр кўрган жамоанинг ғалабага бўлган назарий микониятларига ёки мусобақаларнинг кейинги босқичларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи ўрин эгаллай олмаслигига таъсир қилдими?
4. Агар чиқиш бошқатдан бошланса, жабр кўрган жамоа ўз аҳволини яхшилай оладими?
5. Мусобақада жамоаларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун чиқиши бошқатдан қилиш мақсадга мувофиқми?

Арбитр шунингдек жамоадан айборларни жазолаш ҳақидаги масалани ҳам қилиш лозим.

Агар тўпланиб қолиш қоидани қасддан бузиш оқибатида келиб чиққанлигига ишонч бўлмаса, жаримага тортишни маррагача (агар чиқиш тўхтатилмаган бўлса) ёки тўпланиб қолиш сабабларини аниқлагунча ва бош ҳакам кенгашигача қолдириши мумкин. Охиргисини аниқбаб бўлгач, тўхтаб қолишига олиб келувчи бузилишлар баъзан жамоанинг бепарворлиги учун эмас, балки масофада камчилик мавжудлиги оқибатида келиб чиқади.

### **5.3. Оралиқ масофаларда ҳакамлар иши (5-чиズма)**

#### **5.3.1. Таркиби ва ташкил қилиниши.**

Ҳакамлар таркиби, одатда, ҳар бир 500 м.дан белгиланған масофалар сонига бошлиқ бўлади. Ҳакамларнинг масофаларда (500; 1000; 1500 м) аниқ, ишлаши учун ҳакамлар жойлашган жойлар (будкалар) томошибинлар, қатнашчилар, вакиллар, мураббийлардан ажратилган бўлиши, ҳакамлар ишига ҳалақит бериш имкониятларининг тўлиқ йўқотилиши ва створлар билан жиҳозланиши зарур. Ҳакамлар старт ва марра билан алоқада бўлишлари, одатда, селектор алоқаси билан боғланишлари лозим. Иккала кирғоқда мэррагача бўлган масофани кўрсатувчи (тахталар ўрнатилади, шунингдек разметка ранги (пўжаллар)-бошқа рангда бўлиши лозим.

#### **5.3.2. Бўлак масофаларда ҳакамлар ҳаракати**

Ҳакамлар ўз бўлак масофасига (500, 1000, 1500 м) келиб, аниқ иш олиб бориш учун ўзи ҳар бири ишни барча керакли нарсалар билан таъминланган ўз иш жойларини текширишдан бошлайдилар.

Старт ва марра билан алоқа қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чиқиши масофа бўлагига яқинлашаётганда ҳакам ушбу масофа бўлагини экипажларнинг босиб ўтиши тартибини қайд қилишга тайёргарлик тўғрисида мэррага хабар бериги лозим. (Марра. Диққат 500 ёки 1000 м. ва ш.к.). экипажлар створ чизигини кесиб ўтаётганда тумшуғи билан ҳакам отилган ўқ овози каби аниқ, узук-узук, лекин бақирмасдан, қаттиқ оҳангда (бир, икки, уч ва ш.к.) алоқа орқали мэррага ахборот беради ва бир вақининг ўзида баённомада ўтиш тартибини қайд қиласди.

## **5.4. маррадаги ҳакамлик бригадаси иши.**

### **5.4.1. маррадаги ҳакамлик бригадаси ишини ташкил қилиш.**

Маррадаги ҳакамлик бригадаси ишини аниқ ва узлуксиз ташкил қилиш учун ҳакамларни иш жойларида қулай жойлаштириш керак. Бунинг учун марра створида жойлашган ва ҳакамларнинг зиналарда кетмакет ўтиришларига имкон берувчи зиналик нарвондан фойдаланилади.

Ҳакамлар жойлашган жой-марра минораси (будка)- томошабинлар, қатнашчилар, вакиллар, мкраббийлар ва журналистлардан ажратилган ва ҳакамларнинг ишдан чалғишига бутунлай имкон бермайдиган бўлиши лозим. Минора шундай жойлашиши керакки, бунда у ердан бутун масофани қўздан кечириш мумкин бўлади.

Марра минорасида старт старт бригадаси бош ҳаками, масофа бўлаклари ва котибият билан телефон ва радио алоқа йўлга қўйилган бўлиши лозим. Старт бригадаси билан алоқа қилиш учун стартчи бўйруғини кучайтириб берувчи динамик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жихозлаш тўпламида ҳар бир жамоа марра чизигидан ўтаётганда овози билан хабар берувчи сирена гудок, етарли микдорда секундомер, оқ ва қизил байроқлар бўлиши лозим. Ғолиб ва совриндорлар маррага келган сувнинг ёритилган рақамлари бўлган ва масофага қаратилган табло бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу мақсадлар учун электр табло бўлмаганда миноранинг ён томонига осиб қўйиладиган йирик ёзилган рақамлари бўлган тахтачаларни қўллайдилар.

Марра чизиги масофанинг ташқи чегараларидан 5 м.дан кам бўймаган узокликда жойлашган оқ буйлардаги иккита қизил байроқ билан сувда белгиланади. Зарурият туғилганда байроқлар кирғоққа маҳкамланади. Шуниси муҳимки, улар маррадаги ҳакамларга кўриниши бекитиб қўймасдан ва жамоага ҳалақит бермасдан аниқ марра чизигида туриши керак. Марра чизиги шундоқ ҳакамлар тўғрисида, масофанинг қарама-қарши томонида яхши кўринадиган белгиси (оч сариқ фонда қора чтзик) бўлган тик тортилган сим (яхвиси иккита) билан белгиланиши лозим.

Ҳалқаро қоидалар марра чизиги тепасида кўрсатилган 5 м. баландликка ҳар йўлка ўртасида сув рақамлари ва масофага кўндаланг бўлган троc тортишни тавсия қиласди.

Марра чизиги ортидаги сувда маррадан сўғн қайиқнинг кескин тўхташига зарурият тўғдирмайдиган узунлиги 100 м.дан кам бўлган жой қолиши лозим.

#### **5.4.2. Маррадаги ҳакамлик бригадаси таркиби ва вазифалари.**

Бригада маррадаги ҳакамлар гурӯҳи ва секундомерчилардан ташкил топади. Номлар таркиби қоидалар (Ш бўлим, § 13, 1-жадвал) билан белгиланади. Бригадани маррадаги бош ҳакам бошқаради.

Маррадаги ҳакамлар вазифалари:

- Ҳар бир жамоанинг маррага келишини қайд қилиш; яъни қайиқ тумшуғи марра чизигини кесиб ўтган пайтни қайд қилиш;
- Қайиқларнинг маррага келиш тартибини аниқлаш;

- Жой тақсимлаш тартибини ўрнатиш;
- Арбитрнинг оқ байроқни силкитишига қараб, чиқиш меъёрида ўтганлигига ишонч ҳосил қилиш ва арбитрга унинг хабари қабул қилинганигини билдириш.

Бу вазифаларни бажариш учун ҳакамлар нарвонда худди марра чизигида тургандек жойлашадилар. Ҳакамлардан бири биноклда маррага яқинлашаётган жамоаларни кузатади ва марра зонасидаги масофа вазиятини изоҳлаб беради. Бунда ҳакам барча қайиқларда сув рақамлари ёзилган флюгаркалар аниқ кўриниши кўринмаслигини қайд қиласи. Агар улар яхши кўринмаса ёки бутунлай йўқ бўлса, у жамоаларнинг ўзига хос белгиларини сезиб қолади ва уларни бошқа ҳакамларга қисқача етказади (масалан, “5 -флюгаркаси йўқ, форма ранги-қизил; 6 – флюгаркаси йўқ, форма ранги-ҳаворанг ва бошқ.”). бу ҳолда форма рангидан ташқари ёнма-ён кетаётган жамоаларнинг фарқ қилувчи барча нарсалари (қайиқ тури, эшқакнинг ўзига хос шакли, эшкак эшувчиларнинг соч ранги ва бошқалар). Шунингдек бошқа ҳакамлар ҳам масофадаги ҳолатни жиққат билан кузатадилар ва зурурият тугилганда жамоаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўзлари учун қайд қиласи, бу хусусиятлар уларнинг маррага келиш тартибини аниқлашда ёрдам бекриши мумкин. Маррадаги ҳакамлар бригадасидан бир киши ажратилиб, унинг вазифасига фақат кемаларнинг марра чизигидан ўтишини овоз чиқариш билан қайд қилиш киради. Экипажнинг маррага кириб келишни қайд қилиш билан бир вақтда ҳакам унинг старт рақамини айтади. Бунда сўзлар узлук-юлуқ ва қисқа талаффуз қилинади. Старт рақами эса, саноқ сонлар билан аталади (масалан: “бир”, “тўрт”, “олти” ва бошқ.)

Бир неча жамоаларнинг тўдалашган марраси алоҳида мураккаблик келтиради. Кино (видео) марра бўлганида ҳакамлар ўз хуносаларининг тўғри-нотўғрилигини аниқлаш имконига эга бўладилар, лекин қўпгина масофаларда бундай жиҳоздаш мавжуд эмас. Бу ҳолда чиқиш натижалари тўлалигича ҳакамлар малакасига боғлиқ бўлади. Катта ҳакамнинг тўдалашган маррани шахсан ўзи кузатиши лозим, чунки мустасно эмаски, якуний Қарорни қабул қилиш худди унинг ўзига тўғри келади.

Охири жамоа маррадан ўтгач, қайиқлар келишини қайд қилувчи ҳакам арбитр, кўтарган оқ байроқни кўриши билан арбитр хабари қабул қилинганини билдириш учун ўзининг оқ байроғини кўтаради. У худди шунинг ўзини арбитр қизил байроқ кўтарганда ҳам бажаради.

Чиқиш қандай ўтгани, арбитр қандай байроқ кўтарганидан қатъий назар, марра бригадаси иши давом этади, лекин арбитр қизил байроқни кўтарганда ҳакамнинг чиқиш натижалари тўғрисидаги ёзувлари бош ҳакам маслаҳатлашгандан сўнг арбитр оқ байроқни кўтармагунча котибиятга ва ахборотчига берилмайди.

Охири қайиқ маррага келгач, катти ҳакам жамоалар келиш тартибини овоз чиқариб айтади. Агар у ҳар бир ҳакамда ёзилганлари билан тўғри келса, котиб ҳакамлар ёзувини келиш тартибида тўлдиради ва уни катта секундомерчига беради. Кўпинча, натижаларни беришни тезлаштириш учун бу ишни котиб эмас балки секундомерчи бажаради.

Қоидаларга асосан маррадаги секундомерчилар икки гурухда бўлинади: маррадаги секундомерчилар ва масофа бўлакларидаги секундомерчилар.

Катта секундомерчи ўз кўл остидагиларга вазифаларни тақсимлаб беради, старт буйруғи қандай

қабул қилинишни эслатиб қуяди, агар чиқишилар орасидаги вақт унча катта бўлмаса (5 дақ.), иш қандай ташқил қилинишини тушунтиради, шунингдек зарурият тўғилганда масофа бўлакларида вақтни қайд қиласди.

Агар қайикларнинг мэррага келиш тартибини кўз билан осонгина аниқлаш мумкин бўлса, кўл секундомери кўрсаткичлари қабул қилинади. Агар фотомэррага мурожаат қилиш керак бўлса, унда барча жамоалар учун мэрранинг фото тасвирида кўрсатилган вақт қабул қилинади. Секундомерларни мусобақа бошлангунча олиб, катта секундомерчи уларни назорат секундомери (юриш аниқлиги доирасида 30 дақ. давомида  $\pm 0,01$  бўлган, жорий йилда тасдиқланган секундомер назорат секундомери ҳисобланади) билан бир вақтнинг ўзида 20-30 дақ.га ишга туширилиб солиштирилади. Солиштириш натижалари бўйича қуидаги шаклда далолатнома тузилади:

Назорат секундомерига  
нисбатан фарқи  
Секундомер раками  
Текширувнинг назорат вақти  
Секундомер кўрсаткичлари  
ортда қолади, олдинга кетади.

Амалда ҳар хил вақтлари кўрсатувчи секундомерлар алмаштирилади.

Ёзувга катта секундомерчи, мэррадаги катта ҳакам кўл кўйгач, уни котибиятга топширилади. Нусхаларни ахборотчига бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **5.5. Котибият иши. (6-чизма).**

Котибият ҳақида сўзланар экан, қайд қилиш лозимки, бу ерда, ҳар қандай ишда бўлганлиги каби, раҳбар шахсияти-бош котиб мухимдир.

Бош котиб қандай сифатларга эга бўлиши лозим? Чуқур билимга эгаликдан ташқари, ўз-ўзидан маълумки,

бош котиб яхши ташкилотчилик қобилиятга эга бўлиши, сабрли бўлиши, ўзгартирининг имкони бўлмаган борлиқни ҳушёрлик билан қабул қилиши, у яратган ҳолатлардан чиқиб кетишни билиши лозим. Шубҳасиз, бош котиб иш пайтида тажанг, бақироқ, асабий бўлмаслиги лозим.

### **5.5.1. Котибиятда вазифаларнинг тахми-таҳсимланиши.**

Бош котиб. Котибият ишида умумий раҳбарликни амалга оширади, ўз хизмат ходимлари ишини таҳсимлайди ва назорат қиласи, Қоидаларда санаб ўтилган ишларнинг муайян ҳажмини ўзи бажаради ёки ўз уринбосари ва ходимларга топширади.

Бош котиб ўринбосари. Бош котиб бўлмаган пайтларда котибиятда умумий раҳбарликни амалга оширади, тақдим қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрилигини назорат қилиб мандат комиссияси ишида қатнашади, бош котиб билан биргаликда қурра ташлаш учун зарур бўлган барча материалларни тайёрлашга жавоб беради.

Барча ҳакамларни мусобақаларнинг ҳар бир босқичига ишлаш учун керак миқдордаги дастур билан таъминлади.

Қайд қилиш ва ҳакамлар анкеталари учун ҳакамлик чипталарини йигади, ҳар қуни кемалар чиқишини қайд қиласи ва иш табелини тузади. Мусобақа жараёнида келиб тушадиган барча ҳужжатларни қайд қиласи ва тикиб қўяди (марра ёзувлари, ёзма эътиrozлар ва бошк.).

Курра ташлаш тайёргарлиги ва уни ўтказишга жавобгар котиб:

- Ҳар бир классда қайд қилинган жамоалар сонининг йигма жадвали асосида (мандат комиссиясидан олади) жамоалар таркиби

ёзувлари солинган кемаларнинг ҳар бир класси учун конвертлар тайёрлайди, шунингдек қайиқларнинг ҳар бир класси учун чиқишилар сонига мос миқдордаги конвертлар тайёрлайди;

- Курра ташлаш пайтида таркиб ёзувларида, чиқиш ва сув рақамларини қўйиб чиқади, ҳар бир чиқищдасув тартиби бўйича таркиб ёзувларини қўйиб чиқади ва уларни мос конвертларга қўйиб чиқилади ва унда тартиб бўйича чиқиш рақамлари, старт вақти хамда мусобақаларнинг кейинги босқичида жамоаларнинг чиқиш шартлари ёзилган бўлади;
- Мусобақалар пайтида ҳар бир чиқищдан кейин ҳар бир жамоанинг пойгода, жамоалар таркиби ёзувларида кўрсатилган ўрин ва вақти қўйилади ва уларни кўрсатилган натижалар ва кейинги босқичда чиқиш шароитларига мос равишида навбатдаги босқичга қурра ташлаш учун яна конвертларга солинади.

#### Айтиб турувчи ва солишириб чиқувчи котиблар .

Айтиб турувчи котиб ҳар старт вараги ёки якуний баённома, қатнашчилар рўйхати ва бошқаларни айтиб ёздиради.

Солишириб чиқувчи котиб ҳар бир ёзув варагини, зекурияят туғилганда, талабномалар варвқларини солишириб чиқади ва қўл қўяди, хужжатларни кўпайтиргач, барча дастлабки хужжатларни жилдга тўплайди.

Хужжатларни тайёрлаш ва тарқатиш бўйича котиб:

- Ҳакамлар ва ахборотчилар учун старт баённомалари бўлган жилдларни тайёрлайди, уларга тезкор ўзгартишлар киритади;
- Зарурият туғилганда ҳар куни матбуотга зарур бўлган ҳужжатларни (старт баённомалари, техник натижалар, дастурлар ва бошқ.)ни тайёрлайди.
- Махсус стандартларда старт баённомалари ва ҳар бир ўтган чиқишнинг натижаларини осиб қўяда;
- Жамоа ва ташкилот вакиллари учун якуний ҳужжатларни (афишалар, дастурлар, қатнашчилар рўйхатлари, старт баённомалари, техник натижалар ва бошқ.)ни тайёрлайди.

Бош котиб ҳар бир муайян мусобақада қандайдир вактда бўлгани каби бутун мусобақа давомида ҳам у ёки бу ишлар зарурлиги ва тез бажарилишини ҳисобга олиб, вазифаларни қайта тақсимлаши мумкин.

### **5.5.2. Котибият иши босқичлари.**

#### **5.5.2.1. Ҳакамлар коллегиясининг биринчи мажлисигача бўлган тайёргарлик босқичи.**

1. Муайян мусобақа тўғридаги “Низом”ни, мавжуд ўзгартиришлар ва қўшимчалар, шунингдек барча ноаниқ ёки етарлича аниқ бўлмаган масалаларни пухта ўрганиш (бу масалалар бўйича мусобақа уюштирувчиси тушунтиришлари билан).
2. Ҳакамлик таркиби ва хизматчи ходимларнинг барча ишлари учун босма ҳужжатларнинг керакли миқдорини аниqlаш. Ҳужжатларни кўпайтириш харажатлари сметаси билан танишиш ( машинисткалар сони, уларнинг

- мөхнатига ва ротаторда). Ишлашига ҳақ түлаш суммаси, қатнашчилар вакиллари, матбуот, радио ва телевидение ходимлари, шунингдек расмий, таклиф қилинган ва ҳурматли мөхмонларга тарқатиш учун барча кўпайтириладиган ҳужжатлар ҳажми ва.....)
3. Барча иродавий қуроллар, шунингдек дипломлар, ёрлиқлар, ҳакамлик бланклари, ҳакамлик коллегияси ва хизматчи ходимлар учун ҳакамлик белгиларига талабномалар тузиш.
  4. Ажратилган ҳакамлик ходимлари (шу жумладан котибият ҳам) ва хизматчи ходимлар умумий ва лавозимли сони билан танишиш, кўпайтириш техникасининг вақти ва иш жойни аниқлаш.
  5. Котибларнинг ажратилган сонига қараб уларга иш тақсимлаш.
  6. Қатнашчилар, мураббийлар ҳакамлар ва хизматчи ходимлар учун диплом ва ёрлиқлар бланкларини бўлдириш учун керакли матнлари тайёрлаш, раҳбарият ва келишув босмага бериш.
  7. Ҳакамлик коллегиясининг барча ишлари режасини тузишда қатнашиш: коллегиясининг мажлис ва кенгашларини ўtkазиш тартиби, ҳакамлар учун семинар ва уларни йўрикдан ўtkазиш, номига ёзилган талабномалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш жойи ва муддатлари.
  8. Ҳаммаларни чақириш ва уларнинг мусобақаларга етиб келишини таъминлаш. Мусобақалар олдидан семинарлар, мажлислар ва тўлдирилган “ҳакамлар анкеталари” (3-

- илова), шунингдек ҳакамлик чипталари ёки гувоҳномаларини муайян мусобақада қатнашишлари учун қайд қилиш учун олиш.
9. Дастребки чиқишлар бўйича экипаж таркиби ёзувларини солиш учун конвертлар тайёрлаш. Конверт ўлчамлари-тахминан 20 x 25 см, яхшиси қалин қоғоздан, чунки улардан бир мусобақа жараёнида бир неча марта фойдаланилади. Даструринг ҳар бир сонига айрим конверт тайёрланиб, унда олдиндан кемалар класси, эркаклар (МСА) ёки аёллар (ЖСА) экипажлари ёки бошқа ёш гуруҳлари МЮА, ЖЮА ва ш.к.лар кўрсатилади.
  10. Қайд қилинган экипажларнинг ----- йиғма жадвали тайёрланниб; унинг устунларида қайиқлар класси Қоидалар (§4 1-бўлим)да кўрсатилган тартибда, ёш гуруҳлари бўйича эркаклар ва аёллар учун айрим ёки муайян мусобақа низомларида кўрсатилган тартибда кўрсатилган ва қатнашаётган ташкилотлар ҳамда қайиқларнинг ҳар бир класси бўйича қайд қилинган экипажлар сони санаб ўтилган (1-илова).
  11. “Жамоалар биринчилиги йиғма жадвали” бланки тайёрланади. Бу жадвал шаклан “Қатнашчилар йиғма жадвалига ўхшаш (1-илова)”, лекин у ерда кўрсатилган экипажлар сони ўрнига ҳисобга кирадиган очколар сони қўйилади.

Изоҳ: Ҳар бир чиқиш натижалари учун қўшимча устунлар бўлиши мақсадга мувофиқдир, бунда тезкор равишда ортиб борувчи натижа билан очколар сонини ҳисоблаб борилади.

Юқорида санаб ўтилган ишларни (1-11 бандлар), одатда, Бош котиб ёки унинг ўринбосари бажаради.

### **5.2.2.2. Барча “қатнашчилар номи ёзилган талабномаларни ” қабул қилиш ва текшириш бўйича мандат комиссияси ишида қатнашиш.**

1. тақдим этилган талабномадаги ёзув қоидаларда тасдиқланган қайиқлар класслари тартибида олиб борилади. Шунингдек врачнинг рухсат вазилари, тасдиқланган белгилар ва барча қайд қилинган қатнашчиларнинг сузиш маҳоратлари тўғрисида, шаҳсий имзолари, шунингдек барча талаб қилинган имзо ва муҳрлар пухта текшириши зарур.

2. Ҳакамлар коллегиясида қайд қилинган ҳар бир қатнашчи учун қуидагилар берилиши лозим: ҳар бир қайд қилинган қайиқдаги жамоа таркиби ёзувлари, қатнашчи, мураббий ва жамоа вакилларининг тўлдирадиган шахсий анкеталари, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ва ушбу мусобақа Низоми талабларига мос келувчи бошқа ҳужжатлар.

3. “Қайд қилинган экипажларнинг йиғма жадвали” (1-илова) тўлдирилади.

4. Қатнашчилар, мураббийлар ва қатнашувчи жамоалар вакилларининг тўлдирилган анкеталари асосида мусобақа қатнашчилар ва уларнинг мураббийлари тўғрисида “Маълумотларнинг йиғма жадвали” тузилади.

